


Ахтанкули

# Ҳароғи мда гуллайди Ватан



Ахтанкум  
Қароғимда  
гуллайди  
Ватан



Тошкент  
«O'zbekiston»  
2016

**УЎК: 84(5Ў)7**  
**КБК 821.512.133-1**  
**А 90**

**Ахтамкули**

**Қарогимда гуллайди Ватан** [Матн]: шеърлар / Ахтамкули. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 160 б.

ISBN 978-9943-28-640-5

Дунёда кўнгил оламининг бекиёс сир-синоатларига маҳлиё бўлмаган юрак топилмаса керак. Ҳазалнавис ва ўқтам шоир Ахтамкулининг мазкур китобига жамланган шеърларида Ватан тарихи, Ой юрт шаъни, аجدодлар руҳи, инсонлараро меҳр-муҳаббат ришталари, шахс камолоти каби шеърининг ранг-баранг мавзулари ўзига хос оҳангларда куйланади. Сўз сўзининг бетакрор жилоси зукко ўқувчини пурвиқор тоғлар, беназир боғлар, бепоён дашту далалар, муҳаббатнинг фусункор хиёбонларида кезишга ундайди. Ўйлаймизки, бундай сержило шеърлар Сиз – азиз китобхонларга ҳам манзур бўлади ва китоб жавонингиздан муносиб жой олади.

УЎК: 84(5Ў)7  
КБК 821.512.133-1

ISBN 978-9943-28-640-5

© Ахтамкули, 2016  
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016

## ИШТИЁҚ ёхуд ГУМБИРЛАГАН ЮРАК САДОСИ

Шоир зотининг бирор байти, бирорта шеъри ёки тўплами – элга манзур бўлиши осон кечмайди. Бунинг учун шоирнинг юрак садоси, дил ноласи, латиф, мағрур, масрур, зариф сўзлари бошқа қалбларга қўчиши керак. Шунда шеърсевар ўқувчининг юраги ҳам завқ-шавққа тўлади; кўнглида дарддош ижодкорнинг дил розига ҳамоҳанг куй, ажиб бир хиргойи сас беради. Шеър матни – бепоён борлиқ. Унинг бино бўлиши – жуда мураккаб бир жараён.

Ана шу бепоён борликда ўз сўзини айта олаётган, ўзлигига, ўз ўрнига эга шоир Ахтамкулининг кўплаб шеърлари адабиёт мухлисларининг юрагидан жой олди...

Ахтамкулининг ижод олами билан бевосита ошнолиги, адабиётнинг улкан қозонида кайнашлари бошқалардан фарқ қилади. У Тошкентга келганида ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини татиган тажрибали бир инсон эди. Қарашлари теран, ўз ҳақ-хуқуқини таниган, телбакезар шамоллар измига сўзини беравермайдиган, адабиёт ҳақида муайян фикрга эга ва ўз қарашларини қатъийлаштириб олишга зарурат сезган «ёш ижодкор» эди.

Мен Олий Адабиёт курсига қабул жараёнини, ёши қирқдан ошган бу «ёш шоир»нинг безовта юрагини ҳовучлаб, умид ва илтижо билан имтиҳон натижаларига кўз тикиб ўтиришларини, ҳайъат қарори ўкилиши арафасида ўша вақтдаги ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповнинг сочларига яккам-дуккам оқ оралаб қолган Ахтамкулига ишора қилиб «Оқсоқолнинг ёшлари тўғри келадими?», деб

сўраганлари ва мен шубҳага ўрин қолдирмасдан дадиллик билан тасдиқ жавобини берганимни — барча-барчасини жуда яхши эслайман.

Энам — Тозагул момо раҳматли бир нақлни такрорларди: «Сумсирайган оч ўлмас, суянишган йиқилмас» деб. Икки йиллик таҳсил ўз ҳосилини берди. Ахтамкули университетдан маслакдош ва суянч топди; зилол булокнинг айнан ўзидан ташналигини қондирди. Ижоди қизғин бир налага кирди. Қулочи қамровини, дардининг кадр-қийматини чамалаб кўрди; сўзининг бошқаларга заруратини ҳис этди. Айтар сўзи устида узоқ ўйлади; ўчирди-ёзди — ёзди-ўчирди. Ўзига устоз мақомидаги шоирларга хавасланиб қаради; тенгқурларини мушоирага, баҳсга чорлади; ука-сингилларига маслаҳатлар берадиган бўлди. Баъзан жон жойидан қайнаб чиққан битта сўзи учун талашиб тортишди — фикр ва сўз ҳимоясидан таълим олди. Ахтамқулининг жўяли маслаҳат, ўринли танқид бўлса, ўрлик қилмасдан, «айбғинаси»ни дарров тузатишга уринган ҳоллари кўп бўлди. Буларга мен гувоҳман.

Билиб такрор айтаман — Ахтамкули адабий жараёнга нисбатан кеч аралашди. Аммо шоирлик таланти, сўзларининг таровати, гўё тоғ даралари оралаб келаётган гумбирлаган овози, энг муҳими — тинимсиз изланишлари билан адабий жамоатчилик орасида тезда шуҳрат қозонди.

*Нега нолиб яшайсан, берганига шукур қил,  
Кўзинг ёруғ дунёни кўрганига шукур қил...*

каби ғазаллари таниқли хонандалар ижросида қўшиқ бўлиб янгради. Шоирнинг йўлларида «шивирлаган майсалар гилам бўлди», ижод айвонига қалдирғочлар учиб келди, унинг юрагида шеърятнинг баҳорий кайфияти ҳукм сурди. Ахтамкули шукур қилди; Ахтамкули шокир шоир. Тошкентга бекорга келмаганига ўзи ҳам амин бўлди. Биз ҳам.

Бугунги адабий ҳаётда Ахтамқулининг ўз ўрни, ўз овози, ўзига хос шеърӣ услуби бор. Арузнинг нодир вазнига мос гўзал ғазаллари билан бу мумтоз жанрга жонли



образ ва сифатлашларда шоирнинг бадиий тафаккур тарзи намоён бўлади.

«Укам Ғофирга» номли бағишлов ғазалининг бир байтида Ахтамкули:

*Кўмилиб кетди Карим мерганни кўҳна милтиги,  
Оҳулар оҳ чекмагай бундан буён, отамга айт...*

деб ёзади. Милтиқнинг кўмилиши оддий ҳодиса эмас, унинг ривояти бор. Бир замонлар Ахтамкулининг ўзи сўзлагани эсимда. Овчиларда ғалати бир одатлар бўлар экан. Улар ҳар бир овлаган ўлжасини санаб юришади. Санок миқдори маълум сонга етганда, «милтиқ кўмди» маросимини ўтказар экан. Гўё овни ташлаган, гўё овни тарк этган, гўё ҳамма нарсадан мосуво – қўлини ювиб қўлтиққа урган. Ахтамкулининг овчи бобоси – Карим мерган бир неча марта шу маросимни ўтказган – милтиғи кўмилган, оҳуларни биров овламайди... Шоирнинг бундай мисралари заминида баъзан изоҳталаб узун биографияси ҳам бўлади...

Ахтамкули бугун жуда фаол. Адабий учрашув, мушоира, шеърхонлик каби турли анжуманларга кўп боради; давранинг бош қаҳрамонига айланади. Байтлар авжига чиққанда гумбирлаган қарсақлар янграйди. Ахтамкули кўнгли дарё-ланиб шеър ўқиганида, ўзини йўкотади: давра аҳлининг вужуди қулоққа айланади. Шоирнинг рухий хаяжонлари тингловчиларга кўчади. Овоз тоғлардан тошларга урилиб келаётган мавжли дарё ҳайкириғини эсга солади. Тоғ одами баланд-баланд гапиради ва шунга монанд шеър ўқийди.

Ахтамкули ҳам инсон, ҳам дилбар шоир сифатида ҳар доим баландликни, баланд бўлишни, баландларда юришни ҳуш кўради.

Мухтарам ўқувчи, ушбу шеърый гулдастани ўқиганда сўзларимнинг исботига дуч келасиз, албатта.

*Баҳодир КАРИМ,  
филология фанлари доктори, профессор.*

## **БАТАН ИШҚИ**

САРАТОННИ ҲАЙДАЙДИ КУЗ,  
ЧЎҚҚИЛАРНИНГ КАФТИДА МУЗ,  
БАТАН ИШҚДАН ЯРАЛГАН ҚИЗ,  
ҚАРОҒИМДА ГУЛЛАЯПТИ...



\* \* \*

Муҳаббати тенгсиз Ватан, тупроғимда гуллаяпти,  
Қувончимга қувонч қўшиб, ардоғимда гуллаяпти.

Юрагимнинг ифтихори, орзуларим улуғвори,  
Хаётимнинг илк баҳори, байроғимда гуллаяпти.

Қиёслашга ожиз қалам, яшнаб кетар дашту далам,  
Камалаклар тўқиб гилам, дил боғимда гуллаяпти.

Булоқларим бермайди панд, ниҳолларим авжи баланд,  
Жавоби йўқ ҳар битта банд, сўроғимда гуллаяпти.

Қуёшимни қувлайди ой, борликка бахш айлаб чирой,  
Дилим суйган энг сўлим жой, қишлоғимда гуллаяпти.

Саратонни хайдайди куз, чўққиларнинг кафтида муз,  
Ватан ишқдан яралган қиз, қароғимда гуллаяпти.

Ахтамқули сени кўриб, тинчлигингдан кўнгли тўлиб,  
Садоқатинг осмон бўлиб, қучоғимда гуллаяпти.

\* \* \*

Фаҳр этурман то абад, мен Ўзбекистоним билан,  
Кўзларимда яшнаган тенгсиз гулистоним билан.

Ўчмагай қалбимда шам, оташли сўз излар қалам,  
Қанча ёзсам шунча кам, битмайди достоним билан.

Хилпирар байроғимиз, бизларни юксак тоғимиз,  
Кетди дил чанқоғимиз, осуда ҳар оним билан.

Чарх уриб учгай Хумо, тинчлик топар қалбимда жо,  
Қўл очиб айланг дуо, хуш даври давроним билан,

Излагай имконга йўл, мақсад буюк довонга йўл,  
Энг улуғ карвонга йўл, бошловчи сорбоним билан.

Ўргилиб тупроғида, меҳру муҳаббат боғида,  
Хуррият ардоғида, куйлай дилу жоним билан.

Сарбаланд Ахтамқули, ҳар бир ғазал кўнглим гули,  
Эзгуликлар ҳосили, пишгай юрак қоним билан.

\* \* \*

Югургай нур сочиб офтоб, Ватан гулзор бўлиб кетгай,  
Шамол гулларни ўйнатмоқ учун бедор бўлиб кетгай.

Баҳор кўнглимни олган киз, унинг қошида чўкдим тиз,  
Чиқиб сархуш этар ялпиз, ғамимга ёр бўлиб кетгай.

Ғариб булбул хиёбонда, учар афтода ҳар ёнга,  
Ғазаллар барқ уриб қонда, дилим бозор бўлиб кетгай.

Азалдан сўз очар тарих, бу тупроқ дил очар тарих,  
Тўлиб ҳикмат сочар тарих, ҳама ҳуштор бўлиб кетгай.

Қоғоз бирла қалам келди, менинг дашту далам келди,  
Ёниб қуйлашга дам келди, аламлар хор бўлиб кетгай.

Дилимни сизга айтдимми, керакмас менга қайтимни,  
Олинг ҳар битта байтимни, жаранглаб тор бўлиб кетгай.

Юрак қирғоқлари бўйлаб, келар Ахтамқули қуйлаб,  
Нукул оташли сўз ўйлаб, қуйиб абгор бўлиб кетгай.

\* \* \*

Ватан! Титраб кетар жисмим, агар васлингни ёд этсам,  
Юзимни хору хасларга уриб кўнглимни шод этсам.

Югурсам қирларинг узра, қолиб лол сирларинг узра,  
Очилган гулларинг узра, дилим мушкулкушод этсам.

Қуёш ёнбошлаган тоғлар, яросин гул билан боғлар,  
Мени имлайди қишлоқлар, учарга бир канот этсам.

Кезиб куйган далам ичра, дилим суйган далам ичра,  
Камим уйган далам ичра, кўзим обиҳаёт этсам.

Соғинчдан кўзларим ёшлаб, борай тоғларга йўл бошлаб,  
Кейин харсангга ёнбошлаб, тиним билмай ижод этсам.

Қуёш унсиз караб қолгай, дилимга ўт қалаб қолгай,  
Ғанимларга яраб қолгай, қаламни эҳтиёт этсам.

Мени ҳурлик билан қутлар, севинган марварид тутлар,  
Қўриб айғокчи тол қуртлар, заминга илтифот этсам.

Чиқиб Ахтамқули дилдан, қучоғим тўлдирай гулдан,  
Ёруғ кунларни кўнгилдан, ёзиб элга баёт этсам.

\* \* \*

Нега нолиб яшайсан, берганига шукур қил,  
Кўзинг ёруғ дунёни кўрганига шукур қил.

Шивирлаган майсалар гилам бўлди йўлингга,  
Оқар сувлар уйингга келганига шукур қил.

Бошин эгиб дарахтлар, юз минг нозу неъматлар,  
Дастурхонни тўлдириб турганига шукур қил.



Баҳор билан қўшилиб, дарвозанга бош уриб,  
Айвонинга калдирғоч кирганига шукур қил.

Жажжигина қўлида юрт тупроғи болангни,  
Оҳиста қадам ташлаб юрганига шукур қил.

Ахтамкули, огоҳ бўл, оламда йўқ бундай юрт,  
Қалам қоғозга кўнглинг ёзганига шукур қил.

\* \* \*

Қучоғим гулга тўлдирган, Ватан, кафтингга бош қўйдим,  
Фалакка бўй чўзиб боққан иморатларга тош қўйдим.

Ўтар йиллар билан умрим асрларнинг давонидан,  
Сенинг гулзорларинг хушнуд кезиб, ўн етти ёш қўйдим.

Бобомдек пурвиқор тоғлар берар мағрур яшашдан дарс,  
Сўроқлаб етти пуштимни, отимни сангтарош қўйдим.

Қуёшнинг нурлари янглиғ сочилгай жилғалардан сўз,  
Қуйиб жомлар аро дилни, ҳасадгўйларга ош қўйдим.

Ҳазаллар ўтмагай гоҳо бу кўнгил имтиҳонидан,  
Қоғозларни қаро айлаб, аларга кўзу қош қўйдим.

Жаҳонгир раҳнамо халқим, бобонгдир авлиё балким,  
Гоҳо ўтмишларинг эслаб, қарочикларга ёш қўйдим.

Кечиб Ахтамкули, дилгир замонлар можаросидан,  
Дилим уммонидан оққан сатрларга қуёш қўйдим.



\* \* \*

Онамдай меҳрибон бир зотни кўрдим ушбу майдонда,  
Боламдай қалби пок дилшодни кўрдим ушбу майдонда.

Учиб осмонда оккушлар, улар тинчликни олқишлар,  
Темурдек сарбаланд Фарходни кўрдим ушбу майдонда.

Халосмиз зулму қулликдан, буларнинг бари ҳурликдан,  
Сулув Озодаю Озодни кўрдим ушбу майдонда.

Бобом ўтмишларин сўзлаб, очар дил дафтарин бўзлаб,  
Ўшал мотамсаро фарёдни кўрдим ушбу майдонда.

Бу қандай шамки ўчмайди, юракдан доғи кўчмайди,  
Урушлар ёди, хотиротни кўрдим ушбу майдонда.

Турар Чўлпоғу Усмонлар, Ватан деб бағри бирёнлар,  
Замонлар зулми берган доғни кўрдим ушбу майдонда.

Буюк Соҳибқирон ҳам шод, анинг остида учқур от,  
Қўлида мўйкалам Бехзодни кўрдим ушбу майдонда.

Шукур, Ахтамқули, шундай замонларга етиб келдик,  
Қалам сўз топмаган ижодни кўрдим ушбу майдонда.

\* \* \*

Гул ишқида ёнган булбул, сен менга ёнишни ўргат,  
Тилларингдан айланайин, энг ширин хонишни ўргат.

Эй, сен боғнинг ҳукмдори, ошиқ дилларнинг сардори,  
Менга фақат битта гулнинг кўнглини олишни ўргат.

Наво қилдинг гулни қучиб, гулдан-гулга бординг учиб,  
Белларидан олай қучиб, унга ёлворишни ўргат.



Сочига боғлаб жонимни, хино қилди дил конимни,  
Балки қийнаб ўлдирмоқчи, ўлмай соғ қолишни ўргат.

Қачон чиқар менинг гулим, дарддан тўлиб кетди дилим,  
Устозим бўлгин булбулим, энг дардли нолишни ўргат.

Ким бўлди деб Ахтамқули, лол қолса кўпларнинг тили,  
Ўғзалардан узр сўраб, Тошканга боришни ўргат.

\* \* \*

Ер юзида мисли хол, афсона Тошкентга келинг,  
Қолди олам аҳли лол, шоҳона Тошкентга келинг.

Чопкиллаб заррин қуёш, нурларни айлаб чиқди чош,  
Майсалар айлар талош, нурхона Тошкентга келинг.

Бахт кезар осмонида, иқболи хурлик ёнида,  
Дил берар меҳмонига, парвона Тошкентга келинг.

Таърифи чексиз диёр, кетмайди ҳеч ундан баҳор,  
Сизга мушток интизор, кошона Тошкентга келинг.

Гул тутиб қўллар аро, домони гул йўллар аро,  
Орзиқиб чўллар аро, гулхона Тошкентга келинг.

Хилпирар бошимда туғ, борлиқни севганлар улуғ,  
Чорлагай юз минг уруғ, шарқона Тошкентга келинг.

Гулқучар Ахтамқули, покиза гулларнинг қули,  
Ўзбекистоннинг дили, дурдона Тошкентга келинг.



Жаҳон аҳли тикилгай лол, сенинг порлок куёшинга,  
Улуғбек излаган юлдуз чарақлаб чиқди бошинга.

Бу кун оламшумул дунё олибдур шодлигимдан жо,  
Борар дилтанналар бепо<sup>1</sup>, нурафшон тоғда қошинга.

Юлиб дилгир ҳаётимни, бериб бахту саботимни,  
Танитдинг юртга отимни, дедим «лаббай» сўрошинга.

Қаро кунларда хун бўлдинг, кейин бир лахза тун бўлдинг,  
Улуғ Дорилфунун бўлдинг, олиб ҳурликни бошинга.

Ки ёшлар оқ кабутардек, дили мушток кабутардек,  
Учар чанқоқ кабутардек, бўлиб интиқ қарошинга.

Қувончим қанчалар чексиз, менинг устозларим тенгсиз,  
Юрибман қолдирай деб из, битиб исмимни тошинга.

Терар, Ахтамқули мағрур, сенинг гулзорларингдан дур,  
Мудом бахтимга яшнаб тур, қўшиб йилларни ёшинга.

Минг йил куйиб эслайдилар, то бошда ишқ савдоси бор,  
То тан аро титрайди жон, то дилни бир шайдоси бор.

Шоҳ байтни шоҳлар тинглагай, кўксида оҳлар тинглагай,  
Йиғлаб гадохлар тинглагай, дардсизни не парвоси бор.

Ҳазрат Навоий дардини, олсак агар бир гардини,  
Нодонга хикмат қадрини, айтмоқни не маъноси бор.

<sup>1</sup> Бепо – безовта, шошилмоқ.



Кездим, адам сахросида, «Куйдим»ни куйдим охида,  
Ташлаб кетар ғам чохида, бошимда минг ғавғоси бор.

Пешвоз чиқар обод Ватан, кўнглимни айлаб шод Ватан,  
«Биздан қолар озод Ватан», юрт бошида пешвоси бор.

Шерларга айтгим келди шеър, гир айланар пойимда ер,  
Кимдир мени девона дер, қалбимни минг дарёси бор.

Ахтамқули, куй дардида, куйсанг ёниб куй дардида,  
Кўплар корин, уй дардида, ҳар кимни ўз дунёси бор.

\* \* \*

Куёшдек сержилодурсан, Самарқанд,  
Қарочикларга жодурсан, Самарқанд.

Чинорлар фол очар ўтмишларингдан,  
Жаҳонга раҳнамодурсан, Самарқанд.

Буюк Соҳибқирон кўрғонларига,  
Туну кун махлиёдурсан, Самарқанд.

Сочар юлдузларинг қалбимга ҳикмат,  
Асрлардан садодурсан, Самарқанд.

Бухорий хазратим туфроқларидан,  
Яралган пок зиёдурсан, Самарқанд.

Дилин покловчилар йўқлаб келишгай,  
Муқаддас хонакодурсан, Самарқанд.

Минорлар кафтида айланди осмон,  
Фалак сочган дуодурсан, Самарқанд.



\* \* \*

Булбул, отам боғларида наво қилиб қўйлайвергин,  
Болам, Ватан тууроғида сен югуриб ўйнайвергин.

Қалам, менинг дардларим кўп, билсанг, ёниб адо бўлдим,  
Қоғозларга дардларимни ҳар кун ёзиб йиғайвергин.

Мен умримнинг йўлларини эгатларга ўхшатаман,  
Агар сенга керак бўлсам, эгатлардан излайвергин.

Юрагимни ишқинг тиғи юз минг пора қилиб кетди,  
Энди уни хоҳлаганча тузлайвергин, тузлайвергин.

Қалб тоғида ҳижронимдан адо бўлган орзуларим,  
Шодлигимнинг поёни йўқ чўққиларин кўзлайвергин.

Ахтамкули, ишқ бир олов-оташида ёниб кетма;  
Ошиқларга, юрагингни армонидан сўзлайвергин.

\* \* \*

*(Ўзбекистон қаҳрамонларига)*

Сиз буюк Соҳибқироннинг сарбаланд авлодисиз,  
Эзгулик дунёсини забт айлаган зурёди Сиз.

Эл кураш майдонида Алпларга йўл бергай хануз,  
Донғи кетган пахлавонлар масканин Дилшоди Сиз.

Тоғларим кўксига тордек янгратар темир йўлин,  
Орзиқиб Ҳазрат Навоий қўйлаган Фарходи Сиз.

Нур сочиб чиққан қуёш босгай иморатларга юз,  
Ҳар гиёҳ тимсолидан ранг излаган Бехзоди Сиз.



Авлиёлар рухи покин шод этиб ҳар лаҳзада,  
Кечмагай ҳеч бир кунингиз яхшиларнинг ёдисиз.

Бебаҳо тупроғимизнинг тинчлигин ўйлаб мудом,  
Шерурак посбонларимга раҳнамо Бунёди Сиз.

Дил ёзиб чопгай ғазаллар завқидан Аҳтамқули,  
Байтларим парвозию юртимни эрк, Озоди Сиз.

\* \* \*

Назм гулзорида кўнгил ёзишни ихтиёр этдим,  
Асов байтларни соғинчнинг булоғидан шикор этдим.

У гул ҳуркак кийик янглиғ келиб қошимга ўлтирса,  
Куюк кўксимни тоғ айлаб, дилимни лолазор этдим.

Ҳамал пинҳона кўз сузса, ясангай ухламасдан боғ,  
Ғазалзорлар аро чопдим, юракларни баҳор этдим.

Қаранг афтода булбулни, наволаб излагай гулни,  
Анинг озода ишқидан ўзим ҳам ифтихор этдим.

Далам домонидан ялпиз чиқиб йўлимга кўз тиккай,  
Қиқирлаб окса анҳорлар, у гулшанни хумор этдим.

Менинг битганларим – қақнус канотидан сочилган нур,  
Ватан, тинчингни опичлаб уларни кўзтумор этдим.

Бу ишқ уммонида дур излаган Аҳтамқули менман,  
Қароғинда қарор излаб, қаламни беқарор этдим.



Сен менинг қалбимдаги пинхона тоғим Шотирўд,  
Кўзларим кирғоғида сарғайди боғим Шотирўд.

Саждагоҳимсан ўзинг йўлимда нур сочган макон,  
Ўчмагай минг йилда ҳам кўнгил чироғим Шотирўд.

Хўжаириях тоғининг бошида тиг тутган хилол,  
Изларимдан изғилаб қилгай сўроғим Шотирўд.

Андалиблар базмида бағримни дон этган эдим,  
Гулларингга махлиё парвона чоғим Шотирўд.

Мен мухаббат мулкининг савдосида ёнган ғариб,  
Тунларимнинг рангидан тўлгай кароғим Шотирўд.

Нолакор какликларинг куйлар хаёт ардоғида,  
Айрилиқ фарёдидан битгай қулоғим Шотирўд.

Юз билан юзлашса ҳам, ҳажрингда дард чеккай отам  
Қоврилиб кетмоқда дил, кўксимда доғим Шотирўд.

Соғиниб Ахтамкули дунёни саргардониман,  
Тушларимда ташналаб тонган булоғим Шотирўд.

Ўргилиб хар тонг куёш борликни ёд айлаб чиқар,  
Тоғларим пештокидан кўнглимни шод айлаб чиқар.

Оташидан она юрт роҳатланиб тургай чунон,  
Яшнаган боғлар аро меҳрин зиёд айлаб чиқар.

Субҳидам кўнгил ёзиб олисга учган қушларим,  
Тинчлигим қўрғонидан мушкулқушод айлаб чиқар.



Товланар олтин каби пайкалда буғдойзорларим,  
Эзгулик хирмонидан ҳосилни бод айлаб чиқар.

Кўзларим гуллаб кетар соғинчларим карвонида,  
Байтларим пинҳона дил мулкин ҳаёт айлаб чиқар.

Куз далам домонини олтинга тўлдиргай кезиб,  
Ҳар гиёҳнинг хизматин зарҳал баёт айлаб чиқар.

Сен газал гулзорида мардона юр, Ахтамқули,  
Шодлигингни ер юзи минг қуллиёт айлаб чиқар.

\* \* \*

Ҳамал қўнгил ёзиб пинҳона келди,  
Шамолнинг кафтида мастона келди.

Наводил тонг билан уйғонди борлик  
Қувончим қувлаган Райҳона келди.

Турар бодомгинам қўнглимни овлаб,  
Баҳордан эртарок Сурхона келди.

Тўзиб гулкосаларда гул ҳаёлин,  
Асалгир элчилар парвона келди.

Ясангай нур сочиб турган маконим,  
Замонлар қаъридан афсона келди.

Ватан гулзорида сархуш югурсам,  
Болам деб қалби қайноқ она келди.

Бу кун Ахтамқули суйган заминга,  
Ҳумо Наврўз билан дўстона келди.



\* \* \*

Сени олқишлагай дунё ҳаёт боғбонисан, Термиз,  
Дилим ичра зиё сочган меҳр уммонисан, Термиз.

Кезиб дилхуш кучоғингда мислсиз боғу роғингда,  
Оқар Жайхун қароғингда қуёшнинг қонисан, Термиз.

Ёшарган навбахоримсан, менинг қўнгил диёримсан,  
Мудом бахтимда боримсан, йўлим поёнисан, Термиз.

Кечиб заҳмат зиёнлардан, ҳисобсиз имтиҳонлардан,  
Ошиб юксак довлардан Ҳумо қосбонисан, Термиз.

Муборак бу улуғ қунлар, қелар қудуз сочиб қунлар,  
Ярашгай олтин устунлар, жаҳон айвонисан, Термиз.

Мақонсан паҳлавонларга, самодил қаҳрамонларга,  
Боқиб қурли қамонларга, Ватан қалқонисан, Термиз.

Қўриб эл-юртни эъзозин, олар Аҳтамқули қозин,  
Буюқ Соҳибқирон қўзин, муқаддас шонисан, Термиз.

\* \* \*

Сиз Ватан қулзорининг қар онидан оғох бўлинг,  
Қон қураб қул қалқиди, қаймонидан оғох бўлинг.

Лаҳзалар қайноқ ҳаёт қавқин қуракка этса қо,  
Қайсарда қувлашиб қайқонидан оғох бўлинг.

Қовлашиб қиллар қилан ўтган умр қарқонига,  
Эзқулиқдан қўл қилаб, қўзонидан оғох бўлинг.

Она қурт – оғтобқайин қўнгилга қўчқан ўтли қўз,  
Қуғуқор бўлсин қудом, қомонидан оғох бўлинг.



Қўқни нур бирлан чайиб оламни хушнуд айлаган,  
Коинотнинг Соҳибин фармонидан огоҳ бўлинг.

Сирлашиб борлиқ билан бахт боғида кезган маҳал,  
Хар гиёҳдан ранг олиб, армонидан огоҳ бўлинг.

Йўллагай Ахтамқули сўз лашкарин тинчлик томон,  
Мавжланиб турган юрак уммонидан огоҳ бўлинг.

\* \* \*

Адолат қасрини қурган буюк инсони Сиз юртнинг,  
Севиб тупроғини гул айлаган боғбони Сиз юртнинг.

Қўриб ақлимни дол этган, қуёш домонига етган,  
Жаҳон аҳли қўриб кетган ишонч қўрғони Сиз юртнинг.

Ватан озодлигин қўйлаб, анинг ободлигин сўйлаб,  
Улуснинг шодлигин ўйлаб суюқ Султони Сиз юртнинг.

Фузор, Бойсун ва Қумқўрғон, олар водийга йўл доvon,  
Темир йўллар аро қарвон, борар сарбони Сиз юртнинг.

Қолибдур анда жоним деб, менинг бир бурда ноним деб,  
Азизсан, ломаконим деб, ёнар арслони Сиз юртнинг.

Муҳаббат йўл диёнатга, раҳм қилмас хиёнатга,  
Элин бошлаб матонатга асл посбони Сиз юртнинг

Менинг кўнглим эрур тоғдай, баҳорда яшнаган боғдай,  
Дедим кам қанча ардоқлай, ажиб достони Сиз юртнинг.

Киши, Ахтамқули, жондан, Ватанни суйса иймондан,  
Тонар бахт Ўзбекистондан, таянч қўрғони Сиз юртнинг.



\* \* \*

Сочди ёз неъматларин оламин дастурхонига,  
Бокди ой кўкдан туриб хайрон Самарканд нонига.

Тўлди хирмонлар, бу кун авжида меҳнат палласи,  
Етти миллион тоннадан ошганда юртим ғалласи.

Ёз ёзиб кетгай далам домонига имконини,  
Бизга ҳадя айлабон ҳурликни қайноқ нонини.

Ҳосилин кўз-кўз этиб боғлар чиқар пешвозимиз,  
Дилни хушнуд айлагай, дўстлар, кукунчак ёзимиз,

Пахтазорлар гулга кирди, кафтда оқолтин олиб,  
Отланарман бепаён дашту даламга ёлвориб.

Ўзбекистон, волидамдек бағри кенг чексиз диёр,  
Гардларингни кўзларимга суртаман мастонавор.

Эй саховатпеша юртим, бекиёс, тенгсиз чаман,  
Сарбаланд Ахтамқули ўғлинг бўлиб қуйлай, Ватан.

\* \* \*

Шотирўд<sup>1</sup>, дарёларинг корачиғимга жо қилай,  
Боғларингни нолакор булбул бўлиб савдо қилай.

Хўжа Пирях тоғ, менинг бошимда бўлгин соябон,  
Қирларингга дил бериб, армонларим ошно қилай.

Кўзларим майдонини тарк айлаган жайронларим,  
Пойида қалбим ёзиб, ишқ аҳлини шайдо қилай.

---

<sup>1</sup> Қишлоғимнинг номи.

Лолазорлар қонидан тоигларда ранг олсин дилим,  
Чўккиларда кабк<sup>1</sup> каби сархуш кезиб, ғавғо қилай.

Амри чўғ султонларим оҳимга етмай кетдилар,  
Ўтмишимга ўт қўйиб, завқимга завқ пайдо қилай.

Сарғайиб ҳур боғларим кўнглимга излаб келса йўл,  
Байтларим ҳар бандидан бир Тўполон дарё қилай.

Мен юрак тўфонида ғарқ бўлмаган Ахтамқули,  
Саждагоҳимни бориб «Буғро»ю<sup>2</sup> «Диболо»<sup>3</sup> қилай.

\* \* \*

Баҳор ҳам эртароқ келгай билиб жонона Сурхонда,  
Қуёш дил сирларин ёзгай чиқиб пинхона Сурхонда.

Бу кун ҳур баркамол авлод бўлиб Шахзодаю Шахзод,  
Ватанни айлагай обод кезиб мардона Сурхонда.

Менинг эй она тупроғим, севинчим дилда ардоғим,  
Юракда бори чанқоғим қонар бирёна Сурхонда,

Ўзингсан катта дарсхонам, сўянган бахтли қошонам,  
Йўлимга кўз тикиб онам ётибдир она Сурхонда.

«Хаёт йўловчиларга йўл, болам сен эҳтиётроқ бўл!» –  
Дуо этгувчи титроқ кўл, отам парвона Сурхонда.

Севиб, Ахтамқули, борсам, ўзимдан имтиҳон олсам,  
Танам яйраб кетар қолсам у пок остона Сурхонда.

---

<sup>1</sup> Каклик.

<sup>2</sup> Онам туғилган кишлоқ.

<sup>3</sup> Отам туғилган кишлоқ

\* \* \*

Баҳорни боғда кезган сабосидан айланай,  
Қўнглимни излаган гул ибосидан айланай.

Чечаклар қирга чиқди тонгдан олиб суюнчи,  
Ватаини роҳати жон хавосидан айланай.

Манов гуллаган ўрик момомга ўхшаб кетар,  
Сахарда очса кафтин, дуосидан айланай.

Қуёш югурди қўкка қалбим этиб чароғон,  
Озода ул малакнинг сиймосидан айланай.

Сумалакнинг бошидан бахтини излаган қиз,  
Соғинчига суянса, ҳаёсидан айланай.

Қалдирғочлар қувончи айвонимни тўлдирди.  
Туфрокни ўпган қушнинг вафосидан айланай.

Бекор ўзимни қийнаб Ахтамкули бўлибман,  
Асов дилимни битмас савдосидан айланай.

\* \* \*

Тамоми ер юзининг илмини олган Бухоросан,  
Боҳовуддин Балогардон назар солган Бухоросан.

Амирлар амридан борликни хайрон айлаган тупроқ,  
Замонлар зулмига олтин сочиб қолган Бухоросан,

Ҳисобсиз можаролардан хабар бергай Каъб ул-ахбор,  
Урушларда мудом ғолиб, руҳи толган Бухоросан.

Зиё уммонидан дил излаган Синоларинг ҳаққи,  
Табобат оламида сарбаланд бўлган Бухоросан.



Ҳадислар илмига тўғон қуриб кетган Бухорийдек,  
Самосий наздида, чексиз ҳадис кўрган Бухоросан.

Сайидларнинг сайиди Мир Кулолнинг кўзасин кучсам,  
Юракдан ғамларим кетгай, ғамим ўрган Бухоросан.

Минорлар нақшидан дил ёзса Нақшбандийни пок руҳи,  
Туну кун эзгуликнинг нуридан тўлган Бухоросан.

Кезар Аҳтамқули унсиз Бухорога қиёс излаб,  
Дилим ошёнидан ноёб калом сўрган Бухоросан.

\* \* \*

Кезиб от устина оламини хайрон айлаган Бобур,  
Юрак девонида борликни бўстон айлаган Бобур.

Узолмай кўнглини пинҳона ёнгай Андижонидан,  
Берилган умрини хурликка қурбон айлаган Бобур.

Мухаббат айрилиб кетмоқда, ох, Хонзодабегимдан,  
Қамални изтироб чўғида бирён айлаган Бобур.

Тилинган бир тилик қовун каби нозланса чиққан ой,  
Сезиб юрт тафтини соғинчни сайхон айлаган Бобур.

Адолат қасрига ёдномасидан эҳтиром айлаб,  
Ҳиёнат тиғидан ўртанса афғон айлаган Бобур.

Асов йўлбарс каби йўлбошчиликдан толмаган ул зот,  
Чиқиб ўзбекни олам аҳлига хон айлаган Бобур.

Замонлар қаъридан Аҳтамқулига бир нидо келгай,  
Буюк миллатни номин элга дoston айлаган Бобур.



*Абдуғани ака Сангиновнинг дилномаси*

Хушбаҳр ота макон, оламда танходир Хуфар,<sup>1</sup>  
Чўққилар пештоқида жаннатдайин жодир Хуфар.

Учди оппоқ қушларим осмонларимни тўлдириб,  
Андалиблар ишқидан борликқа шайдодир Хуфар.

Охулар дилхуш кезар афсона юрт ардоғида,  
Пурвиқор тоғлар билан қирларга ошнодир Хуфар.

Кездилар аждодларим англаб тижорат завкини,  
Ахли ошиқ қалбида пинхона савдодир Хуфар.

Қози Иброҳим ули бўлган экан Ворис бобом,  
Боғларин поёни йўқ, ох, бунча зебодир Хуфар.

Пиримиз Балх шаҳридан чикқан Ниёз Аҳмад эрур,  
Пиру муршидлик ишин боғловчи сиймодир Хуфар.

Эл назар солган экан Хўжаназар бобомга ҳам,  
Беназир осуда жой тупроғи тиллодир Хуфар.

Чорвадорлик касбидан бахт топди Сангинбой бобом,  
Илму урфон бобида кўп ахли донодир Хуфар.

Абдурахмон отамиз меҳрин унутмас бу далам,  
Кўзларимни қувнатиб тургувчи дунёдир Хуфар.

Ўзбекистон она юрт, тупроқларингдан ўргилай,  
Авлиёлар хоки бор юксак кадамжодир Хуфар.

Мен чиқиб Фарҳод каби тоғларни ёрдим беҳисоб,  
Қайга борсам энтикиб, йўлимда пайдодир Хуфар.

<sup>1</sup> Кишлоқнинг номи

Яшнагай, Абдугани, нур бирла сувдан бу жахон,  
Тошларимни яшнатиб қалбимда дарёдир Хуфар.

Ер юзин Ахтамқули, обод этишгай яхшилар,  
Яхшиликнинг ҳосилин олганга шайдодир Хуфар.

\* \* \*

Маст этар дарёи Мастоват<sup>1</sup> мани,  
Улғаяр қалбимда Ғурковат<sup>2</sup> мани.

Қўзларимда оҳулар дилхуш кезар,  
Чорлагай осуда шабҳоят<sup>3</sup> мани.

Балки, бор умримни айлар имтихон,  
Шотирўд<sup>4</sup>, афсонавор Ховат<sup>5</sup> мани.

Ҳўжа Пирихтоққа қўл берган отам,  
Қўллагай ойдан тилаб оят мани.

Байтларим қоғозда дор ўйнаб келар,  
Шод этар олам аро ғоят мани.

Андалиблар базмидан ишқ изласам,  
Ўт қўяр гулзорда гулҳоят<sup>6</sup> мани.

Бўлмадим дунёга қул, Ахтамқули,  
Шу эрур озодлигим, шояд, мани.

<sup>1</sup> Дарё номи.

<sup>2</sup> Кийиклар макон этган тоғ.

<sup>3</sup> Тунларинг.

<sup>4</sup> Кишлоқ номи.

<sup>5</sup> Кишлоқ номи.

<sup>6</sup> Гулларинг.

\* \* \*

Жонга ором бахш этар ҳар лахза тупроғим менинг,  
Дилни ардоқлаб турар, гул очса япроғим менинг.

Гулларим кўнглимни ул гулзорда хушнуд айлағай,  
Хилпираб товланса гар бошимда байроғим менинг.

Тоғу тошлар бағридан олдим мухаббат дарсини,  
Яшнағай завқимга завқ бергувчи янтоғим менинг.

Эй буюк Соҳибқирон Темурга тахт қўйган замин,  
Қутлағай от ўйнатиб борлиқни ардоғим менинг.

Сарбаланд зот олдида қалбимни ёзсам ўртаниб,  
Қалкиғай кўзимда ёш, кетмайди чанқоғим менинг.

Ой куюк домонида соғинчларимни тўлдирар,  
Чўқкиларнинг бағридан имлайди қишлоғим менинг.

Мен Навоий назмига дил боғлаган Ахтамқули,  
Байтларимни куйдириб, қолмайди титроғим менинг.

\* \* \*

Борлиқ ясанди бедор, Наврўзимиз муборак,  
Кўнгилга кўчди гулзор, Наврўзимиз муборак.

Юрт хоки пойи узра тўшалди гул-чечаклар,  
Кетдик чаманга, дилдор, Наврўзимиз муборак.

Мастона ишқ навосин куйлайди куйчи булбул.  
Ҳар бир гиёҳ умидвор, Наврўзимиз муборак.

Кезгай карашма бирла анҳорга маҳлиё қиз,  
Ялпиз чиқибди хуштор, Наврўзимиз муборак.



Туфрок иси уфурган нондек азиз маконда,  
Ризқу насиба бисёр, Наврӯзимиз муборак.

Оққуш мисол келинлар, сизларга бахт ярашгай,  
Ҳар лахзада мадакдор Наврӯзимиз муборак.

Ахтамқули ҳаёлин гулларни ранги олди,  
Қалбимда янграгай тор, Наврӯзимиз муборак.

\* \* \*

Боботоғнинг адоғида алла айтар онамга Ой,  
Соғинчларим қучоғида гуллаяпти хонамда Ой.

Майсаларнинг тиловатин, юрагимнинг ҳаловатин,  
Байтларимнинг саодатин куйлаянти боламга Ой.

Оталарнинг дуосида, булбулларнинг навосида,  
Кўзларимнинг зиёсида, сўзлаяпти қаламга Ой.

Ялпизларни хумор этиб, анҳорларни бедор этиб,  
Бахтимизни баҳор этиб, нозланади даламга Ой.

Ахтамқули, жаннатмакон, тупроғининг ишқида ён.  
Тинчлигимиз кўрган замон, боғланади оламга Ой.

\* \* \*

Мен туғилган тоғу тош, қалбимда борим Шотирўд,  
Ер юзининг жаннатисан, лолазорим Шотирўд.

Бунга Пирияхтоғ билан ҳамсоя ёнғоқзор гувоҳ,  
Боболар минг йил бурун қурган диёрим Шотирўд.

Милтиғин кўмган Карим мерганни алқаб охулар,  
Тушларимда тинглади аҳволи зорим, Шотирўд.



«Нистайи заркан»ни зар айлабди Абрайқул бобо,  
Қўзларим осмонида қолган баҳорим, Шотирўд.

Тоғларим тоғбегиси, Мухтори Қассоб қариди,  
Тушди ташвиш отидан, кексайди норим, Шотирўд.

Бир оёқлаб боғ яратган Абсалом чол боғларини,  
Олдилар тухмат килиб хешу таборим, Шотирўд.

Ота – онам бошидан ёғдирди тош бокканлари,  
Ингради қалбимдаги йиғлоқи торим, Шотирўд.

Тоғни гулзор айлаган Ўзбек бобомнинг панди бор,  
«Боғ яраг хор бўлмагайсан», бу шиорим, Шотирўд.

Қўзларимга суртайин туинокларингни гардини,  
Топмадим дунёда сенсиз ўз қарорим, Шотирўд.

Боғланиб тоғлар билан, қам бўлмадим Ахтамқули,  
Сенга ёздим соғиниб, қўнгил ғуборим, Шотирўд.



## ДИЛИМ ГУЛЛАР АРО САВДО БЎЛИБДУР

ТУНДА ЖОН ОШИҚЛАРИ ЖОНИМГА  
ҚАСД АЙЛАБ ЧИҚАР,  
КИПРИГИНГГА ЖОИ БЕРИБ ҚЎЙДИМ  
ЖАХОНДАН ЎТМАДИМ...



\* \* \*

Кўзларинг айвонидан кўнглимга жой топмоқчиман,  
Йўлларимни ёритиб тургувчи ой топмоқчиман.

Сочларингни тун билан кориштириб бўлдим адо,  
Лабларингдан қақраган жисмимга сой топмоқчиман.

Хол кунимни қоралаб қўйгай ёноғинг остида,  
Қоматинг гулзоридан назму чирой топмоқчиман.

Битмаган дил дафтаримни пора килгайсан нечун?  
Изтироб саҳросида тенгсиз сарой топмоқчиман.

Гар гуноҳим ювмасанг йўлимда кизғалдок тўшаб,  
Бошни тошларга уриб, шайтонга ёй топмоқчиман.

Манзилимга етмайин толсам ҳаёт довонида,  
Кексаликдан боҳабар этгувчи той топмоқчиман.

Кечмасанг бойлик тилаб Ахтамқули дунёсидан,  
Байтларим бозорига юз мингта бой топмоқчиман.

\* \* \*

Изларингга гул экиб, гулзор этдим дилни мен,  
Кўзларинг тўфонида, бемор этдим дилни мен.

Кунларимни киймалаб, қўшдим ҳаёт карвонига,  
Байтларимни қамчилаб бедор этдим дилни мен.

Сирларим савдогари, кўксимни куйдиргай чунон,  
Сочларинг исёнидан, абгор этдим дилни мен.

Майсалар маст бўлдилар, унсизгина пойин ўпиб,  
Рашкидан ёвузланиб, безор этдим дилни мен.



Охудек ох айлаган, оху кўзим савдосидан,  
Тоғларимга бош уриб, сангсор этдим дилни мен.

Қисматим кистовидан жонимни холсизлантириб,  
Ёлғизим даргоҳига, тайёр этдим дилни мен.

Гуллаган кўнгил йўлин, ғамгин кезиб Ахтамқули,  
Охират кийноғидан, хушёр этдим дилни мен.

\* \* \*

Имтихон олгай дилим, мен имтихондан ўтмадим,  
Кўзларига ёлвориб, чиққан бу жондан ўтмадим.

Тақдиримга совчи куз, бошимга ёғдиргай хазон,  
Чирпираб йўлимда учган бир хазондан ўтмадим.

Айт, нечун девоналикдан менга бергайсан сабоқ,  
Маст бўлиб деворларинг кўчган томондан ўтмадим.

Сарғайиб келган эдим, дарвозалар ёпгай юзинг,  
Изларингга термулиб, унсиз гумондан ўтмадим.

О, менинг жайронгинам, буз қисматимнинг қасрини,  
Белларингга чирмашиб ётган «илон»дан ўтмадим.

Тунда жон ошиқлари жонимга қасд айлаб чиқар,  
Кипригингга жон бериб қўйдим жаҳондан ўтмадим.

Хастадил Ахтамқули, даргоҳидан излар нажот,  
Дардларимни майдалаб, оху фифондан ўтмадим.



\* \* \*

Синкириб бонди булбулнинг навоси дилни ўртайдур,  
Анинг гулдор аро кибру хавоси дилни ўртайдур.

Ҳама гул ихтиёрида, учар гуллар диёрида,  
Шукур килмас яна нозу адоси дилни ўртайдур.

Қалам қон йиғлагай ҳар тун, фиғонимдан қизаргай кун,  
Бўлибман ҳажрида Мажнун, жафоси дилни ўртайдур.

Қўтар бошингни мажнунтол, нечун қаддингни қилдинг дол,  
Мени девона қилган хол қароси дилни ўртайдур.

Кулиб, мастона бу қулга, юракни чўғ этар гулга,  
Фиғонимни қўшиб қулга, нидоси дилни ўртайдур.

Бу кўнглимни узолмайман, тилаб кўнглин ололмайман,  
Кўзига тик қаролмайман, жазоси дилни ўртайдур.

Етар, Ахтамқули, бас қил, бориб булбул билан дарс қил,  
Сабок ол, ёрга сўнг арз қил, ибоси дилни ўртайдур.

\* \* \*

Дилни ос киприкларинг пайқонига,  
Жон сўроқ берсин қаро хол ёнига.

Хол қаро, мужгон қаро, зулфинг қаро,  
Қасдлашар бахти қаронинг жонига.

Тентирар бошимда тиф тутган хилол,  
Етмайин дунё ғамин поёнига.

Бонг урар қотилмидим, балдоқларинг?  
Боғланибман сочларинг арқонига.



Зорларимдан нозланиб чиккан куёш,  
Фарк бўлар шўх кўзларинг уммонига.

Кел, азизам, дилни эъзозлаш учун,  
Диллашайлик эзгулик майдонига.

Дош беролмай куйса гар Ахтамкули,  
Титраган оқ чўккилар исёнига.

\* \* \*

Кўзларингга кўзларим парвона бўлгай, Махлиё,  
Сўзларинг калбимдаги дурдона бўлгай, Махлиё.

Сен баланд тоғ бағрида кўнглимни олган охусан,  
Сукланиб ошиқларинг девона бўлгай, Махлиё.

Тунда ой кўнгил ёзар орзуларим осмонида,  
Балки юлдузлар билан ҳамхона бўлгай Махлиё.

Кўзларим сарғайтириб бошимда хижрон сочди куз,  
Зорларимни тингламай бегона бўлгай Махлиё.

Куйдириб кулгичларинг жонимни олмиш домига,  
Байтларим ардоғида афсона бўлгай Махлиё.

Бўйнида маржонми деб, боксам хаёлим олди хол,  
Нозланиб товусдайин мастона бўлгай Махлиё.

Кўрмаган сендек сулув дунё кезиб Ахтамкули,  
Ақли – хушдин айрилиб пинҳона бўлгай махлиё.



\* \* \*

Мен қаро холингга тушган доғман,  
Сен гулу мен мисли бир япроғман.

Титрагай жисмим сени кўрган замон,  
Гоҳи соғман, гоҳида носоғман.

Лолалар унгай дилимда сен учун,  
Сайр этиб юрмоқчи бўлсанг – тоғман.

Кел, хазоним сочларинг бирла супур,  
Сарғайиб қолган қаровсиз боғман.

Шунчалар кўпдир дилимда дардларим,  
Машраби девонадан мастроғман.

Қанча ошиқ ўтди бағрихун бўлиб,  
Мен уларнинг баридан пастроғман.

Куйдирар Ахтамқулини нозларинг,  
Изларингга кўз тикиб муштоғман.

\* \* \*

Сенинг ғамгин нигоҳингда менинг тоғдек гуноҳим бор,  
Дилимни еб адо қилган бу кўксим ичра оҳим бор.

Куёш, жисмимни куйдиргин, тегирмонингда туйдиргин,  
Ғамимга нуқта қўйдиргин, гуноҳқорман гувоҳим бор.

Азобимга алам қўшсанг, кейин бир парча ғам қўшсанг,  
Кетар чоғим қалам қўшсанг, юракда кўп сиёҳим бор.

Дилим дафтар бўлиб қолгай, соғинчим-ла тўлиб қолгай,  
Югурганлар кўриб қолгай, менинг қайда паноҳим бор.



Хилол, кўксимни мен ёрдим, юракни қон билан қордим,  
Шивирлаб сенга ёлвордим, йўлимда қанча чоҳим бор.

Туну кун илтижо айлаб, очар кафтин дуо айлаб,  
Йўлимга кўз тикар ойлаб, чинордай қиблагоҳим бор.

Нетай, Ахтамқули бўлсам, Яратганнинг қули бўлсам,  
Ғамимга кўмилиб ўлсам, кечиргувчи Илоҳим бор.

\* \* \*

Менинг умримга ёз келди, этиб юз мингта ноз келди,  
Ўтиб кетган баҳорим ортидан излаб, аёз келди.

Куюк сахро менинг кўнглим, аламга жо менинг кўнглим,  
Сабр қил, о, менинг кўнглим, адолик сенга боз келди.

Бу қора ҳолу хатларга, қўшиб кўнглимни байтларга,  
Ҳама мажнунсифатларга дилимдан битта роз келди.

Яшил денгизга чўккан гул, ғамин кўксимга эккан гул,  
Баҳоримдан кечиккан гул, адошиб айни ёз келди.

Дилим гул ичра кўмилди, у гул қонимга чўмилди,  
Кейин гул қип-қизил бўлди, танамга инқироз келди.

Қаламни айла эъзоз деб, тамоми дардларинг ёз деб,  
Қилурсан кўкка парвоз деб, қўлимга бир қоғоз келди.

Ўтар Ахтамқули йиллар, ёниб ёзганларинг гуллар,  
Сенингдек телба кўнгиллар, бу гулзорларда оз келди.



Кўзларинг гирдобиди гир айланар жоним менинг,  
Йиғласанг борлиққа сизмас кўхна достоним менинг.

Сен дилинг ҳижрони қалбимга жо қилсанг агар,  
То абад армон ташиб тинмайди қарвоним менинг.

Мен муҳаббат боғининг парвона кезган куйчиси,  
Тунлари йиғлаб чиқар бошимда осмоним менинг.

Нур сочиб чиққан куёш бузгай булутлар қасрини,  
Дардлашар кўзида ёш пинҳона жононим менинг.

Сарғайиб бошимда ой соғинчларимдан дил ёзар,  
Йўлларингга термулиб ўтмоқда ҳар оним менинг.

Тушларимда ташналаб чопдим юрак қирғоғида,  
Ишқида девона айлар моҳитобоним менинг.

Дил сўраб Ахтамкули куйдим муҳаббат розидан,  
Дафтаримни тўлдирар унсиз юрак қоним менинг.

\* \* \*

Тақдиримнинг битта ёзу мингта пояндози бор,  
Қалб камалда бонг урар, кўксим тўла овози бор.

Байтларим янглиғ тиловат айласам киприкларинг,  
Кўлларим белингга боғлансин, анинг эъзози бор.

Кўз югуртирсам қаро холларга бир-бир тўхталиб,  
Икки холни дон этиб, оккушларинг парвози бор.

Дилни дил бирлан туйиб, ҳижронларимни қувласам,  
Сочларингни дорига фармон этувчи қози бор.



Қай куни мен банди бўлдим, бу нигоҳлар домига,  
Тан аро оташ солар ул махликнинг нози бор.

Лолазоримдир юрак, коним ғазаллар чашмаси,  
Кетмагай мендан баҳор, кўнглимда булбул сози бор.

Кўзларингни ёшини нўш айлабон Ахтамқули,  
Бир гуноҳкор бандадирким, дилда юз минг рози бор.

\* \* \*

Белларингга қўлларим боғланди борингни тилаб,  
Кўзларинг офтобида ёндим хуморингни тилаб.

Нозларинг уйғонтирар томирларимнинг торини,  
Тушди ишқ дил тоғидан пинхона зорингни тилаб,

Қалб зимистон қўйнида қўмсайди ёшлик чоғини,  
Саргайиб кетмоқдаман бахту баҳорингни тилаб.

Титрагай унсиз бадан жайронни тутган овчидек,  
Бермадим шайтонга эрк, ўз ихтиёрингни тилаб.

Сочларингдек тўзилиб кетмоқда сархуш ўйларим,  
Чўккилар поёнида турган диёрингни тилаб.

Кўзларинг кирғоғида жон саклагай Ахтамқули,  
Қисматимга ёзмаган ёлғиз қарорингни тилаб.

\* \* \*

Бу гулзордан чикиб кетдим, ёзиб япрокка зоримни,  
Кўриб ўртанди булбуллар, хазон бўлган баҳоримни.

Тиконлар санчилиб ётган юрак гул баргидек қотган,  
Ололмас тунни уйғотган ҳилол ҳам ихтиёримни.



Изимдан от солар дарё, йикилсам дод солар дарё,  
Нукул фарёд солар дарё, юволмасдан ғуборимни.

Кўзимни тўлдириб ранглар, оқар қонимда оханглар,  
Танам танбурдаин янграр, адо айлайди боримни.

Гулим олисда ранг олган, қарочиқларда занг олган,  
Бу кўнглимни аранг олган, йўқотмай эътиборимни.

Не ёзсам дилни деб ёздим, адашган гулни деб ёздим,  
Ўзимдек «қул»ни деб ёздим, соғинсам лолазоримни.

Олиб оҳимни дилхунлар, чироқ айланг қаро тунлар,  
Тамоми телба мажнунлар қабул қилсин қароримни.

Сатрлар конидан кечдим, юрак зиндонидан ечдим,  
Чалиб, қалблар аро кўчдим, фалак берган дуторимни.

\* \* \*

Дилим гуллар аро савдо бўлибдур,  
Ўзанга сиғмаган дарё бўлибдур.

Оқиб ирмоқ каби хар битта байтим,  
Юрак гулзорида бепо бўлибдур.

Тўкилдим, тунлари тинмай тўкилдим,  
Кўзим осмонлари сахро бўлибдур.

Хазонлардан кечолмай доғда қолдим,  
Баҳорим менга бепарво бўлибдур.

Анинг ғам кўрмаган ул кўзларига,  
Менинг ою қуёшим жо бўлибдур.



Ўпиб пойин, шивирлаб қолдилар жим,  
Тамоми майсалар шайдо бўлибдур.

Юрак зиндони ичра банди бўлган,  
Фариб Ахтамқули пайдо бўлибдур.

\* \* \*

Мени дилдан жудо айлаб, адашган гул кезар танҳо,  
Висоли шуъласидан кўз қамашган гул кезар танҳо.

Хазонимдан баҳор излаб, баҳорим келса қор излаб,  
Мудом мендан ғубор излаб, қарашган гул кезар танҳо.

Қуёш бошига нур сочгай, менинг қулфи дилим очгай,  
Шамол сочин силаб қочгай, у шошган гул кезар танҳо.

Ичибдур мисралар коним, ки ҳеч ким олмагай ёним,  
Белида юз «илон» жоним талашган гул кезар танҳо.

Бу ишқ бозоридан толдим, юракнинг зоридан толдим,  
Таландим, боридан толдим, сўрашган гул кезар танҳо.

Ёзинг фармонни, эй қози, дилим бор ҳукмига рози,  
Адо айлаб қўяр нози, ярашган гул кезар танҳо.

Тарозим чикмагайдур кам, олинг Ахтамқулидан ғам,  
Менинг бахтим билан ҳар дам курашган гул кезар танҳо.

\* \* \*

Қаро ҳол оразинг четлаб, нега зулф ёнига тушди?  
У ҳолнинг сояси хатлаб, кўзим осмонига тушди.

Қарочиклар аро қолиб, кўзимда мангу жой олиб,  
Анинг илдизлари бориб, дилим уммонига тушди.



Адо айлаб жудоликлар, тамоми бенаволиклар,  
Ҳама холдек қароликлар умр поёнига тушди.

Нигоҳлар оташи ўқдай, ёниб кетмоқдаман чўғдай,  
Юрак ўз ўрнида йўқдай, тиғи пайкониға тушди.

Дарахтдай сарғайиб бокқан, йўлимда дилмикан ёккан,  
Узилган сўнгги япроқдан бири домониға тушди.

Югурдим ой билан бўзлаб, йўқотган изларин излаб,  
Кейин ой бизни ёлғизлаб, унинг айвониға тушди.

Яшайман толмаган толдай, ғаму соғинчларим қолгай,  
Улар дунё юзин олгай, букун майдониға тушди.

Куйиб, Ахтамқули, сендек жаҳонда қанча хону бек  
Бу савдоға қўёлмай чек, қиёмат жониға тушди.

\* \* \*

Лабларингни ғунчадек қон айладинг,  
Чўғ этиб, бағримни бирён айладинг.

Жон берай боқишларингга, қотилим,  
Кўзларингни офати жон айладинг.

Холларингни яшириб зулф остина,  
Барча сўроқларга имкон айладинг.

Чорлабон кўнглимни ишқ гулзориға,  
Тола сочинг бирла арқон айладинг.

Бошима тушган қиличму ё хилол,  
Сен нечун ҳукмингни пинҳон айладинг?



Дилни боғлаб дил билан, Ахтамқули,  
Жонни дилхушликка қурбон айладинг.

\* \* \*

Охуқўз ҳуркаккинам, охингга ботсам майлими?  
Сочларинг исёнида жонимни сотсам майлими?

Тун ёзиб қўйган қаро чодирни ёлғиз судрабон,  
Завқларинг оғушида мастона ётсам майлими?

Сархисоб айлаб чиқай бошингда юлдузларни ҳам,  
Юлдузимни юлдузинг кафтига отсам майлими?

Юзларингни қизғониб қўрсатмаган дарвозадан,  
Байтларимдан дор қуриб пинҳона ўтсам майлими?

Тоқатимни тоғ этиб умримни шўр саҳросида,  
Изларингни излабон бўронда қотсам майлими?

Нозларинг соғинчларим майдонида сочганда гул,  
Лабларинг титроғидан оромни тотсам майлими?

Кипригинг пайконида жон сақлагай Ахтамқули,  
Кўзларинг тўфонида ақлим йўқотсам майлими?

\* \* \*

Қоматингни гул десам, гулзор мендан рашк қилур,  
Чарх уриб бошингда ой бедор мендан рашк қилур.

Йўллларингга бош қўйиб жондан жудо қилгай ўзин,  
Майсалар пойинг ўпиб абгор мендан рашк қилур.

Дил олиб, дил бермаган девоналар бозорига,  
Дил сўраб борган эдим, дилдор мендан рашк қилур.



Чархи кажрафтор ишимни ўнгидан келтирмагай,  
Байтларимни шоири дарбор мендан рашк килур.

Кўзларим ёғин ялаб, қалбимга йўл топган «илон»,  
Лоф уриб содиқлигин мурдор мендан рашк килур.

Дардлашай деб гоҳида тоғларга ёлворгим келур,  
Этмасин деб кўрқаман сангсор, мендан рашк килур.

Бўлса жон Ҳақ ҳукмида, Ахтамқули, кимсан ўзи?  
Ўртанурман, ул рақиб бекор мендан рашк килур.

\* \* \*

Кундузимни қора килди, ё Эгам, бу қора хол,  
Хол унинг юзида кетди, менда қолди қўп хаёл.

Энди ҳар кун бу юракка битта хол пайдо бўлур,  
Балки умрим холининг хижронидан топгай завол.

Холини эсмоқчи бўлдим қорачикларда унинг,  
Қилмишимни телбалик деб қулди у соҳибжамол.

Дод бу девоналик менга қаёқдан келди деб,  
Тунлари бедор юриб ўзимга бергайман савол.

Холини олиб ғазалга нуқта қил, Ахтамқули,  
Нуқталаринг бошида турсин жавоб излаб ҳилол.

\* \* \*

Билиб мухлис этар Мухлисабоним,  
Унинг қошида лол қолгай забоним.

Хаётим энди дор устида кечгай,  
Адо бўлмайди ишқсиз имтихоним.



Нечун тун излагай соғинчларимни?  
Ёғар қоғоз аро ўчмас фиғоним.

Азобдан танда қонсиз зиркирайди,  
Ғазаллар тиғи теккан устихоним.

Қачон қакнус бўлиб ёнимга келгай,  
Ғамимни қуйдирувчи меҳрибоним?!

Кезиб дунёни дардсиз ишқ қидирдим,  
Демак, ҳеч кимсага етмас зиёним.

Юзин, Ахтамқули, пинҳона кўрсам,  
Чиқиб кетмасмикан узлатда жоним?

\* \* \*

Гуллаган киприкларингдан соя излайман ҳануз,  
Кўзларим ошёнига ҳамсоя излайман ҳануз.

Ўртанурман то абад соғинчларинг саҳросида,  
Хайратим майдонида йўқ ғоя излайман ҳануз,

Ишқ адо этган юрак қакроғидан ёнганда жон,  
Ғам чиқиб жой топмаган пок қоя излайман ҳануз.

Изтироб жисмимни тифсиз қиймалаб чиққан маҳал,  
Ғар табибнинг қошида сармоя излайман ҳануз,

Эй қалам, йўргаклама қоғозга ишқим ҳосилин,  
Кўнглига гард юкмаган соф доя излайман ҳануз.

Сарҳисоб этган эдим умримни ўтган йилларин,  
Дард чекиб, Ахтамқули, чорпоя излайман ҳануз.



\* \* \*

Ализам, сиз билан кўнглимни ёлғиз чоғлагим келди,  
Лабингиз чўғида лабларни унсиз доғлагим келди.

Изингиздан шамол юрса, менингдек телбахол юрса,  
Ҳилол ҳайрону лол юрса, севиб ардоқлагим келди.

Кўзингиздан қувонч олсам, севинч гулзорида қолсам.  
Шивирлаб сўнгра ёлворсам, белингиз боғлагим келди.

Жавоби йўқ саволдирман, адашган хомхаёлдирман,  
Нетай, афтодаҳолдирман, юракни соғлагим келди.

Юзингиз пардасин очсам, дамодам завқларим сочсам,  
Бу ғурбатхонадан қочсам, дилимни тоғлагим келди.

Ҳаёт дилгир тушар изга, керак Ахтамқули сизга,  
Бериб кўнглимни бир қизга, уни сўроғлагим келди.

\* \* \*

Айласам гулларни маст созим билан,  
Титратиб боғларни парвозим билан.

Кипригингга жўр бўлиб киприкларим,  
Янграсин мастона овозим билан.

Байтларим кўксимни тиглаб кетдилар,  
Куйдириб бағримни қоғозим билан.

Чўккиларга тунда унсиз боғланиб,  
Тингладик борликни устозим билан.

Овчилар кўнглимни ғамнинг даштида,  
Қувдилар ўз қутраган тозим билан.



Изларингдан зорланиб қилдим нидо,  
Сарғайиб юз мингта сарбозим билан.

Мен ўша сен излаган Ахтамқули,  
Уйғотай тоғларни дил розим билан.

\* \* \*

Гул юзга қиёс топмади бу телбайи зоринг,  
Пинхона юрак қасрини забт этди бахоринг.

Эй тоза гулим, ғамни ситиб ташла дилингдан,  
Жисмимга олов ёқди бу кун чашми хуморинг.

Лабларни асал чўғида кўнглимни илитдинг,  
Гул косасига қўйди шароб тунги қароринг.

Қўйнингда гул-у, йўлинг аро қанча тикон бор,  
Қалбингни чайиб ташла, агар бўлса ғуборинг.

Хуснингни тилаб ўзини гулзорга урибдур,  
Булбул кидириб топмади беҳуда диёринг.

Мен гулчи эдим, ишқни грифтори этибсан,  
Бошимни ҳилол тиғига қўйди ихтиёринг.

Ахтамқулиман – гулни севиб тинчи йўқолган,  
Қирқ йилки ғазал ҳукмига банди интизоринг.



\* \* \*

Кувонч қалбимда нур сочса, очилгайман кучоғингда,  
Дилим дарё бўлиб тошса, шошилгайман кучоғингда.

Мени маст айлагай борлиқ, оловранг лолалар ёрлик,  
Адо қилганда хушторлик ёқилгайман кучоғингда.

Олиб дарс андалиблардан ўзиб кетдим ракиблардан,  
Қочиб тиғи табиблардан чопилгайман кучоғингда.

Жазонинг доридан ўтдим, ғанимнинг боридан ўтдим,  
Жунун бозоридан ўтдим, осилгайман кучоғингда.

Адашсам тентираб муздан, совук чимчиб олар юздан,  
Хаётим ранг олиб куздан, сочилгайман кучоғингда.

Эрур кўкракларинг қалқон, лабингдан тунда олсам жон,  
Соғинчимдан униб армон, сотилгайман кучоғингда.

Кезар Ахтамкули ойлаб, сабр гулзорида пойлаб,  
Қарочиққа юзинг жойлаб отилгайман кучоғингда.

\* \* \*

Тун ёзиб дард чодирин ишқимни пинҳон айлагай,  
Сочларинг тўфонида жонимни қурбон айлагай.

Телбавор кезгим келар соғинчларинг гулзорида,  
Гул тилаб борсам, тиконлар қўлларим қон айлагай.

Тўкилурман бемаҳал сендан жудо бўлмай туриб,  
Кўзларимнинг ҳосилин оккушларинг дон айлагай.

Қисматимнинг занг олиб ётган асл шамширига,  
Қон қусиб турган қалам беҳуда исён айлагай.





Чўғ бўлиб кетгай муҳаббат завқидан ёнган юрак,  
Изтироб саҳросида умримни сарсон айлагай.

Жисму жонимдан жудо этмоққа пайт топган ғаним,  
Эътиқодин миннатидан бизни меҳмон айлагай.

Сен гуноҳ ботқоғига ботган қуёш, Ахтамкули,  
Ҳақ амал созин бериб қўнглингни осмон айлагай.

\* \* \*

Ёзай қўнглимни, дилхуш бўлмасангиз,  
Қарочиқларга қувғин қилмасангиз.

Лабингиз жомидан пинҳона майни,  
Симирсам «қотилим» деб қулмасангиз.

Қўзим осмонларини занг босибдир,  
Муҳаббат завқи бирлан ювмасангиз.

Хазонзорлар яширгай изларимни,  
Ғаму андухларимни қувласангиз.

Чикар юз мингта юлдуз бошим узра,  
Агар Юлдуз бўлиб сиз қувнасангиз.

Ёқиб шайтонни дўзах ўти ичра,  
Адо бўлган юракни сувласангиз.

Қуйиб Ахтамкулига ишқ гулобин,  
Ҳама армонларимни қувласангиз.

Ул гулни фигонида хар лахза наво этсам,  
Кўзларни юзин ўпган холига қаро этсам.

Гул кезса шамол янглиғ, беҳуда хаёл янглиғ,  
Тунларни ҳилол янглиғ домонига жо этсам,

Осмонига учмасдан, айвонига тушмасдан,  
Гулзорини қучмасдан бағримни яро этсам.

Савдоси агар ёқса, кўнглимга қараб оқса,  
Бир бора кулиб бокса, умримни фидо этсам.

Дард кетса, ғамим қолгай, шоҳона дамим қолгай,  
Куйган қаламим қолгай, оҳимни зиё этсам.

Саҳрони кезиб дилхун, парвона югурган кун,  
Ёнимда юрар Мажнун, ҳақкига дуо этсам.

Ахтамқули, йўл олгин, борлиқни ғазал билгин,  
Дарёга қараб юргин, байтингни адо этсам.



Кўзларга боқиб, кўзлари осмонида куйдим,  
 Зулфи тагида, холларининг ёнида куйдим,  
 Парвона дилим титради, исёнида куйдим,  
 Мен ишқ элининг нолаю афғонида куйдим,  
 Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Безовта бўлиб шому саҳар ошиғи зорлар,  
 Дил косасига тўлса захар, ошиғи зорлар,  
 Пиихона табиб изласа гар ошиғи зорлар,  
 Мехрин тилабон ўтса агар ошиғи зорлар,  
 Мехримни бериб мен эса товонида куйдим.

Дунё ғаму андухлари озориға етдим,  
 Қирк йил югуриб сочини бир ториға етдим,  
 Кўнлар адашиб етмади гулзориға етдим,  
 Мушкул эди йўл, ранж ила изҳориға етдим,  
 Сизлар куйида, мен эса домонида куйдим.

Таърифига сўз изладим, ҳеч сўзга қиёс йўқ,  
 Кўнглимни олиб кетган ўшал кўзга қиёс йўқ,  
 Тунлар тикилиб ой десам ул юзга қиёс йўқ,  
 Ташбеҳига холим будурур, ўзга қиёс йўқ,  
 Соч толасидай чоки гирибонида куйдим.

Ноз қилса-ю, хижронида қон этса агар, мен,  
 Бир зумда баҳоримни ҳазон этса агар, мен,  
 Киприкларини дилга тикон этса агар, мен,  
 Ишқ аҳли фироғинда фифон этса агар, мен,  
 Ёнида юриб, ёнида хижронида куйдим.



Дил мулкини кўр: ўрнида йўқ жойида кулдур,  
Кўнглимни бу ҳолатга солиб кетган у гулдур,  
Такдир бу ҳакам, менга насиб қилгани шулдур,  
Дунёйи азалнинг ғазали матлаъи булдур:  
Бошлаб ҳама ишни, они поёнида куйдим.

Тинглайдими деб борган эдим телбайи зорин,  
Йўлимга тикиб қўйган экан сочлари торин,  
Олдим тиланиб, кўнглидаги дарду ғуборин,  
Ҳам меҳнати, ҳам миннати, ҳам заҳмати борин  
Жон жомига жамлаб, дағи уммонида куйдим.



## **ЮРАГИМ ГУЛЛАГАН ЧОФИДА**

ОСМОН ҚОЛДИ БИЗ КЕТДИК БОБО,  
ЙЎЛ ЙЎҚ ЭКАН АДАШГАНЛАРГА.  
ИСКАНДАРНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИН,  
АЙТДИМ ДУНЁ ТАЛАШГАНЛАРГА...



\* \* \*

Сўз килич янглиғ дилимни парчалаб кетгай бу кун,  
Жон чиқар пайтида бир сўз менга раҳм этгай бу кун.

Тунда сўзлар хукмига қурбони бўлгайсан, қалам,  
Неки ёзсанг, соҳибинг бошингга тиг тутгай бу кун.

Дардларимга дард қўшар ёлғончисан фолбин аёл,  
Сўз агар панд бермаса, кийноқларим ўтгай бу кун.

Байтларим арқонида жонимни юзминг парчаси,  
Боғланиб қолган десам, афтодалар нетгай бу кун.

Қақраган сахро каби дунёни чексиз соҳилин,  
Тентираб девона юрганларга дил етгай бу кун.

Қиркилиб қирқминг ямоқ бўлган юракнинг бандига,  
Гул сочиб кезган баҳор шодлиқларин битгай бу кун,

Сен дилинг пештокида осгил чироқ, Ахтамқули,  
Сарғайиб қоғозларинг, гулханли сўз кутгай бу кун.

\* \* \*

Гуноҳимга гуноҳ қўшдим, гуноҳкорингни афв этгил,  
Хаёл тўфонида кезган бу беморингни афв этгил.

Қаро қилди юзим тўнлар, қувончимни кутар кунлар,  
Юрак бағрим тўла хунлар, мададкорингни афв этгил.

Нетай, сарсону зор бошим, қуриблар қолди кўз ёшим,  
Дилингни юлса дилдошим, дилозорингни афв этгил.

Қамалда қалкигай қалбим, ғамимдан қалқимай қолдим,  
Фиғоним бемахал балким, халоскорингни афв этгил.



Яғир елкамда кетмоним, югурсам зиркирар жоним,  
Куюк дашту биёбоним, ғариб зорингни афв этгил.

Бу кун отам турар тоғдай, менинг йўлимда муштоқдай,  
Тўкилдим кузги яироқдай, хазонзорингни афв этгил.

Олиб бошимга осмонни, қуварман тонг билан шомни,  
Берай кафтимдаги жонни, вафодорингни афв этгил.

Битиб. Ахтамқули, байтинг, печун дарёга дил айтдинг,  
Ажалга бош эгар пайтинг, харидорингни афв этгил.

\* \* \*

Кўзларим осмонига боксанг, окаргай тонгларим,  
Дил қуёшдек ранг олиб, томирда сизгай конларим.

Қорачикда сайр этиб, қўнғлимни хушнуд айласанг,  
Бешигида аллалаб чиккай сени мужгонларим.

Куйдириб бу чаши гиёнимни, қалбим ичра кез,  
Айрилиб дил мулкидан жой топмасин армонларим.

Кўкни тарк айлаб букун бошимга лайлакқор ёғар,  
Дафтаримдек бўлди оппоқ ер билан осмонларим.

Дардларимни ишқининг сахросига сочган эдим,  
Тентираб афтодахол, хижрон ташир карвонларим.

Кўзларин йилларни гарди кўр қилиб қўйган булоқ,  
Тамшаниб қум остидан ютгай менинг афғонларим.

Ер юзида хаста диллар қўн экан, Ахтамқули,  
Қалбни қумғонида кайнаб янграсин дostonларим!



\* \* \*

Нетай калбимга булбул ин курибдур,  
Дилимни нола айлаб хун килибдур.

Адашдим, йўлларим поёни қайда?!  
Изимдан чонқилаблар тун юрибдур.

Қуёшим олса-да алдоқчи тоғлар,  
Хануз отам каби ғамгин турибдур.

Ғамим тўфонидан чиқмай яшайман,  
Фалак елкамга дардхуржун илибдур.

Хилол ханжар каби бошимда чопди,  
Менинг ношудлигим қайдин билибдур.

Бориб гулзорига холсиз йиқилдим,  
Фигоним ғунчалар кўксин тилибдур.

Дедим: Ахтамқули, афтодахолман,  
Кўриб холимни бир Маймун кулибдур.

\* \* \*

Тоғдек кулаб кетди дилим, танам қолди дил остида,  
Жоним бу кун инграб ётар, узилмайин қил остида.

Қиш қахрини тинмай сочар, қувончларим мендан қочар,  
Бир маҳлиқо кўнглим очар, ғарқ бўлсада Нил остида.

Дардим битиб куйган қалам, бошимни айлар бунча хам,  
Тўкканларим ҳар лаҳза ғам, исён этар гил остида.

Танбех берар ҳар битта хас, мендан безиб кетган ҳавас,  
Нокаслигин этгувчи кас, тил ўстирар тил остида.



Ўзинг гувоҳ, дилгир замон, дўст изласам топдим зиён,  
Зиндонда Алпомиш ҳамон, куйлайди минг йил остида.

Кўзларда ой ғамгин ботар, бисёр экан кўнгил отар,  
Ахтамкули дилхун ётар, очилмаган гул остида.

\* \* \*

Ажаб, оламда беҳад кўп хато қилди кўролмаслик,  
Танангда тоғ каби ҳасратни жо қилди кўролмаслик.

Ахир сен ҳам у кун бир беғубор шоир эдинг, дўстим,  
Булоқдек тоза қалбингдан жудо қилди кўролмаслик.

Шивирлаб шеър эмас, бўҳтон тўқиб гулзорга йўл олдинг,  
Кўзингга куйчи булбулни бало қилди кўролмаслик.

Бориб Дўрмонни боғига улуғлардан дуо олгин,  
Ҳама ёзганларингни дийдиё қилди кўролмаслик.

Сатрлардан ясаб камчи сени бир камчилаб чиксам,  
Фигонинг кўкни бузгандай нидо қилди кўролмаслик.

Чиқиб Ахтамкули, боғларга кўнгил овлаган эрдим,  
Сенинг ношудлигинг англаб жазо қилди кўролмаслик.

\* \* \*

Ёғилса шеър бўлиб дардим сенинг бошингга, не ҳожат,  
Ҳазондек тўкилиб бўлдим, ки кўз ёшингга не ҳожат.

Симирсам тунлари ёлғиз дилимнинг косасидан завқ,  
Ялайсан лабларинг гардин, у талх ошингга не ҳожат.

Бу кўнглим торини чертиб, дилозор «мойчи»лар келди...  
Нажот излаб борар бўлсам агар қошингга, не ҳожат!



Хасад тан ичра жохилдир, кўролмасликни келтиргай,  
Юрак афтодахол бўлса, қурук лошингга не хожат.

Мени девоналар этган бу байтларда фиғоним бор,  
Хиёбонларда кезгай рух, демак мошинга не хожат.

Тузиб шеър лашкарин Ахтамқули, қалбларга йўл олдим,  
Фалак бошимга тож қўйди, сенинг тошингга не хожат.

\* \* \*

Жиловлайман қаро тунни, шамол афтода дод солгай,  
Булутлар бир-бирин қувлаб, мисоли пода дод солгай.

Тиимсиз хайкирар бўрон, келиб пойимда бергай жон,  
Бутун борлиқ этар исён, ҳакам дунёда дод солгай.

Тўкилгай лахзалар бир-бир, ҳаёт мангу синоат-сир,  
Йўлимни тўсмагин, эй кир, бобом Жанкода<sup>1</sup> дод солгай.

Юзнн юлқиб югурган ой, менинг кўнглимга топмас жой,  
Етар, арзингни тўхтат сой, букун шаббода дод солгай.

Хаёл гирдобига тушсам, зулумкор коматин қучсам,  
Тўйиб кўз ёшларин ичсам, у ҳам ғамбода дод солгай.

Дилимни дард тилиб кетди, юракхўрлар илиб кетди,  
Мени дилсиз қилиб кетди, қўлимда бода дод солгай.

Нахот билмайди отимни, титиб тўфон баётимни,  
Яратган куллиётимни, отиб дарёга дод солгай.

Дедим, Ахтамқули, қулман, ҳаловат топмаган дилман,  
Яшайман, балки минг йил ман, танам саҳрода дод солгай.

---

<sup>1</sup> Кийиклар маскани бўлган тоғ.

Нечун оламга сифмас, бу дилим фарёд этиб кетгай,  
Кувончим манзилин вайронаю обод этиб кетгай.

Қароликлар қуёшимни қаро тунда қамал қилса,  
Қалам қалбимда куйган сўзларим озод этиб кетгай.

Ҳаёт девоналарга бой, дедим, девоналикдан кеч,  
Давр девони бошимдан учишни ёд этиб кетгай.

Юлиб умримни юз минг йўл асрлар қошига чопди,  
Фигон даштида оҳимни сўровсиз бод этиб кетгай.

Лзонда Ҳакни фармонин адо айлашга чоғлансам,  
Ҳаёлим қўмсаган ишқни лаин барбод этиб кетгай.

Юрибман дорда лангарсиз тамошобинга кўз тикмай,  
Йиғилган синчилар ҳар дам изимдан дод этиб кетгай.

Буқун Ахтамқули кўкка юракнинг чодирин тикди,  
Муҳаббат аҳлига ишқдан қаср буғёд этиб кетгай.

Топмадим дил тинглаган, фатвоси қуйсин шеърни ҳам,  
Ғамларимга ғамгусор дунёси қуйсин шеърни ҳам.

Тунда қалб гулзорининг юлғичларига тўкнашиб,  
Қон бўлар битганларим, саҳроси қуйсин шеърни ҳам.

Учмаса олам аро оҳимни қуйган зарраси,  
Етмасам поёнига имлоси қуйсин шеърни ҳам.

Дил сўраб пинҳона ҳеч девоналикдан толмадим.  
Бой бериб қуйган умр савдоси қуйсин шеърни ҳам.



Кел илондек тўлғаниб тургувчи байтлар қошига,  
Бир ғазал шайдосиман, шайдоси куйсин шеърни ҳам.

Англамай ўлсин қалам сўзларга қул айлаб мени,  
Элга қилгандек мазах сарпоси куйсин шеърни ҳам.

Ёнмасанг, Ахтамқули, дилларни ёндирмоқ учун,  
Қасрига ўт қўй бориб, ғавғоси куйсин шеърни ҳам.

\* \* \*

Тун ёкиб юлдузларин, бошимда осмон айланар,  
Кўзларим гирдобиди дунёи сарсон айланар.

Маидалар соғинчларим онамга дил ёзган ҳаёт,  
Томиримда ранг йиғиб турган куюк қон айланар.

Уйқудан сесканди тоғ, пинҳона қасд қилгач ҳилол,  
Борлигин айлаб адо қўксида вулкон айланар.

Дардларимни ун қилиб йилларни тегирмонида,  
Байтларим бўй бермаган минг битта исён айланар.

Ишқ амал савдосида бозоримиз бўлган қасод,  
Қисматимни сарҳисоб этгувчи ҳар он айланар.

Боғларимга ўт қўйиб умримни қувлаб кетди қуз,  
Чарх уриб қулбам аро унсиз зимистон айланар.

Ўртаниб, Ахтамқули, кездим юрак довоида.  
Сўз сўраб келган ғариб ёнимда гирён айланар.

\* \* \*

Маидаловчи маидалайди, майда, майда, майда-ё,  
Маидақашлар маидалашгай, қўкси тоғлар қайда-ё?

Қўрмайин қўр қафтига қўнганда бахтсиз қарчиғай,  
Турналар мангу баланд учмоқда, бу сир пайда-ё.



Қарғалар қағ-қағлашар, қурбақалар очганда фол,  
Байтларим исёнини бир зум дилимдан хайда-ё.

Айланар қизғанчи ит юз минг ялок атрофида,  
Тумшуғин тинмай урар, ўрдақни ризқи лойда-ё.

Андалиблар, ахли тиблар кечди ишқ савдосидан,  
Куйса ҳам бармоқларим, кўнглим тикилган найда-ё.

Қайдасан, сўз заргари, сўзлар адо қилгай дилим,  
Дафтарим қирларда қолди, рангларим бефойда-ё.

Тўполон дарё, менинг ҳайратларим борлиққа ёз,  
Қовжираб ёнмоқда қуз, тиллоси қолган бойда-ё.

Чўққини тахт айлаган бургут яшар, Ахтамқули,  
Тулкилар юрмас яқин арслон туғилган жойда-ё.

\* \* \*

Сен дилим бозорида бепо бўлиб юрганмидинг?  
Байтларимга ўт қўйиб ғавғо бўлиб юрганмидинг?

Тун кўзимнинг косасига ойни чўқтирган маҳал,  
Кипригимдан окмаган дарё бўлиб юрганмидинг?

Эй қуёш, пинҳона кел, хижронларимни қуйдирай,  
Қўкка кўнглимни ёзиб танҳо бўлиб юрганмидинг?

Қоматим ҳам айлаган тоғларни елкамдан тушир,  
Қиблагоҳим кўзлаган дунё бўлиб юрганмидинг?

Эски тўнимдан илиқ жой топмадим олам аро,  
Қўкрагинг бошимга қўй, савдо бўлиб юрганмидинг?

Ер юзини титратиб афсона Искандар каби,  
Окибат кафтинг очиб бежо бўлиб юрганмидинг?



Қўй, стар, Ахтамқули, сендан жаҳонгир чиқмагай,  
Андалиблар базмида шайдо бўлиб юрганмидинг?

\* \* \*

Юрак тўфонида фарқи жаҳон бўлдимми, билмасман,  
Дарахтлар кафтидан учган хазон бўлдимми, билмасман.

Хилол кўк тоқида ошиқ дилимни киймалаб кетди,  
Фалак юлдузларига имтихон бўлдимми, билмасман.

Халоват излаган қалбимни қоғозларга совурдим,  
Камондан отилиб кетган фиғон бўлдимми, билмасман.

Тизилган байтларим йўл олса ошиқлар маконига,  
Қўйиб дил ёзмаганларга зиён бўлдимми, билмасман.

Тутиб чарх остига бошимни тоғлардан сабоқ олдим.  
Қаламни қакшатиб гоҳо ёмон бўлдимми, билмасман.

Нечун ой шуъласида дардларимни майдалайсан дил?!  
Ҳаёт хирмонига тушган сомон бўлдимми, билмасман.

Қуёш домонидан ушлаб мудом юксакка интилдим,  
У қун Ахтамқули эрдим, довон бўлдимми, билмасман.

\* \* \*

Ҳама бемор учун бирдек шифо бўлгай Омонхона,  
Тамоми дардларингга жонфидо бўлгай Омонхона.

Омонлиқ истасанг, ҳар дам сенинг йўлингга кўз тикгай,  
Юракдан ғамларинг қувлаб зиё бўлгай Омонхона.

Агарда хасталик пайтинг шифобахш меҳридан қонсанг,  
Қуйик томирларингга жобажо бўлгай Омонхона.



Жигар қакроғидан дилгир кезиб юрганда беморлар,  
Асрлар ҳикматин сўзлаб фидо бўлгай Омонхона.

Тириклик боғлари яшнаб турар обихаёт бирлан,  
Келинг Бойсунга, деб пок илтижо бўлгай Омонхона.

Менинг хар битта байтимга шивирлаб дил ато этгай,  
Отамдек мўйсафид тоғлар, наво бўлгай Омонхона.

Омонат жонни сен Ҳак олдида доим омон сақла,  
Ишон, Ахтамкули, дардга даво бўлгай Омонхона.

\* \* \*

Гарчи дунё кенг эрур, нодонга тор бўлгай мудом,  
Бу фалак пештоқида чангу ғубор бўлгай мудом.

Ким агар ўз халқининг бошида айлантирса тош,  
Синмайин тупроғига пинхона зор бўлгай мудом.

Шомда сўз очган отам кўнглимини оқлар тонг билан,  
Тилларидан тушмаган тинчликка ёр бўлгай мудом.

Юзқароликлар билан борсак Яратган қошига,  
Хар гуноҳкор бандасин бошида қор бўлгай мудом.

Юзни қон бирлан эмас, нур бирла ювмоқ яхшидур,  
Кимки хоинлик қилар, қисмати дор бўлгай мудом.

Гар аёл кўз ёшини тўксанг, қиёмат бошланар,  
Оналарнинг кўнглида бахту баҳор бўлгай мудом.

Синмасанг оламга гар, кел кўзларимга жо қилай,  
Байтларим қалбингга йўл излашга тор бўлгай мудом.

Титраган дил тоғида дард майдалар Ахтамкули,  
Кўзларида Ҳак ёзиб қўйган диёр бўлгай мудом.



\* \* \*

Наволардан наво излаб наводил бўлганим қолди,  
Фамимни дарбадар айлаб қувончга тўлганим қолди.

Аёвсиз кирдикорлардан, хазон сочган бахорлардан,  
Тикилган эски дорлардан ёмонлик кўрганим қолди.

Хироту Астработ ичра, танам куйган работ ичра,  
Қуёш чикмас ҳаёт ичра хиёнат ўрганим қолди.

Ёриб тошларни Фарходдек, Ширин сочиға шамшоддек,  
Ғулимга етмаган доддек азобда юрганим қолди.

Этиб Мажнунни саргардон, чиқиб Лайлига бердим жон,  
Юракни юлди беш дoston, жавобсиз ўлганим қолди.

Навоий, бенаволикдан, кадр излаб жудоликдан,  
Тамоми дилсиёликдан меҳрсиз сўлганим қолди.

Кечиб Ахтамқулидан, дил, улус кўнглин зиёрат қил,  
Ғазал султонидан ҳар йил хижолат бўлганим қолди.

\* \* \*

Ғазалхон ҳосилотдирман, изимдан найчилар келди,  
Жаҳонга жар солиб тинмайдиган қарнайчилар келди.

Вафо бор барча аҳдига, ниҳоллар унса бахтига,  
Олиб тупрокни кафтига югурган пайчилар келди.

Эрур назмимда кенг дунё, қуёшни дилга этдим жо,  
Арузни айласам савдо, ҳама хай-хайчилар келди.

Бўлиб шер шеърни жангида, юзим оташни рангида,  
Овозимнинг жарангида ғариб сурнайчилар келди.



Аёвсиз байт ёғар дилдан, ўзиб сайроки булбулдан,  
Қўлим куймай туриб гулдан раҳмсиз кайчилар келди.

Хаёт бошдин-оёқ ғавғо, кўриб дод солмагин, дарё,  
Юраксизлар этиб даъво ҳужумга шайчилар келди.

Ижодим гуллаган фасли, ўзим Ахтамқули, асли,  
Бўлиб Соҳибкирон насли курашсам лайчи<sup>1</sup>лар келди.

\* \* \*

Тунларингни ёруғ қилган қуёшингдан айрилмагин,  
Кўзларингга мунгли бокқан сирдошингдан айрилмагин.

Дашту даланг бағрин очса, қувончларинг тўлиб тошса,  
Файратингдан ғаним кочса, йўлдошингдан айрилмагин.

Консираган дарёларни, какраб ётган саҳроларни,  
Кўриб ватангадоларни кўз ёшингдан айрилмагин.

Кетса дилинг ёт юртларга ҳамроҳ бўлиб манқуртларга,  
Жанг сўраган бургутларга ярошингдан айрилмагин.

Кафтга олсанг тупроғингни, олар дарду титроғингни,  
Ойга илгин байроғингни, бардошингдан айрилмагин,

Тонгда яйраб кетса дилинг, жарангласа она тилинг,  
Айтса: юртни обод қилинг, Юртбошингдан айрилмагин.

Бу тупроқнинг ҳар бир гули ҳикмат сочар, Ахтамқули,  
Айрилиқнинг бўлиб қули ўз ошингдан айрилмагин.

---

<sup>1</sup> Лайча.

# ОЙ, БОЛАМНИНГ БОШИДАМИСАН?!

*Онам сўрови*

Бу кун бошимга ой чиқди, кароликларни мот қилдим,  
Балоларга балогардон юракни эҳтиёт қилдим.

Сабр гуллайди пойимда, яқинлашдим Худойимга,  
Ҳама олган жазойимга ишончимни қанот қилдим.

Фалак куйдирса ёдимни, дедим борликка додимни,  
Қадр топмас ижодимни шамолга тақдимот қилдим.

Қалам, куйган изингдан қайт, дилим тўфони кўчган пайт,  
Ичар конимни ҳар бир байт, соғинчзорда ҳаёт қилдим.

Бу бошим тошлигин сездим, дилимнинг ёплигин сездим,  
Севинч издошлигин сездим, яшашни тарғибот қилдим.

Нечун, Ахтамкули, дунё қилолмас сен билан савдо?  
Қуёш қалбимда олгач жо, қувончим куллиёт қилдим.

\* \* \*

Топмагай кўнглимга йўл зинҳор Ўзингдан ўзгаси,  
Кечмагай қилсам гуноҳ, Ғаффор, Ўзингдан ўзгаси.

Дўстларим панд берсалар, чекдим ғанимлардан фиғон,  
Қисматимни билмагай, эй Ёр, Ўзингдан ўзгаси.

Тонг сахар бошимга зар сочмоқни хуш кўрган қуёш  
Зар йиғар тун қўйнидан, бемор Ўзингдан ўзгаси.

Гар ҳаёт майдонида умримни қувлаб юрса вақт,  
Ғамларимни айлагай бисёр Ўзингдан ўзгаси.

Мен муродим ҳосилин термоқ учун келган эдим,  
Сирларимни сақламас, Саттор, Ўзингдан ўзгаси.



Саждагоҳда субҳу шом, пинҳона роз айлар отам,  
Унга ҳамроҳ бўлмагай дилдор Ўзингдан ўзгаси.

Номи покинг бирла дил пок айлагай Ахтамкули,  
Мархабо калб касрига, бекор Ўзингдан ўзгаси.

\* \* \*

Сен ғазал уммонида дур излаган онимни кўр,  
Йўлларимга термилиб турган кадрдонимни кўр.

Изларимни изтироб саҳросида сарғайтириб,  
Дилга Ёр, бошимга нур сочгувчи осмонимни кўр.

Байтларимни куйдирар қалбимни ўтлиғ оташи,  
Гоҳ юрак зардобидан айланмаган қонимни кўр.

Тунда сўзлар жомига жонимни қуйсам ўртаниб,  
Бир сиким тупрокка бош қўйганда ҳамёнимни кўр.

Тўкилиб битганларим сирлашса кўнгиллар билан,  
Хайкириб шеър жангида узганда пайконимни кўр.

Кўзларин гирдобида пинҳона ғарқ бўлган купим,  
Айрилиқ савдосидан чиқмайдиган жонимни кўр.

Ол назм дунёсини сархуш кезиб, Ахтамкули,  
Дард соғинч гулзориға тўлганда имконимни кўр.

\* \* \*

Дилозор, сен дилим олгин, менинг ҳолимга кулсанг, кул,  
Захарли наштаринг бирлан юрак бағримни тилсанг, кул.

Турар тиф остида жоним, хаёл бўлди кадрдоним,  
Тутиб маҳкам гирибоним, магар қотилни билсанг, кул.



Чақиндай гулдираб чиқсам, ҳама дилларни бир йиғсам,  
Агар кўнглинг аро сиғсам, аламдан чора қилсанг, кул.

Чаённинг ханжари нишдир, магар ниш урса ташвишдир,  
Кулиш маймун учун хушдир, бу тоғ қалбимни юлсанг, кул.

Фазаллар тунги исёним, отилгай тиғи пайконим,  
Қучар ғолибни майдоним, йиқитдингму йиқилсанг, кул.

Нураб ёлғончи бу қоянг, заминда қолмаса соянг,  
Тинимсиз титраса поянг, азоблардан сиқилсанг, кул.

Хумо бошим аро елса, нетай қўлим баланд келса,  
Шамол Ахтамқули бўлса, тутайсан, энди кулсан, кул.

\* \* \*

Ётар бир парча тупроқ пойимизда,  
Сомон излаб юрибмиз лойимизга.

Хаёт девоналардан юз ўгирган.  
Қўшилмай қўйди кўп савдойимизга.

Умр девонидан айрилди йиллар,  
Фалак ғам парда тикди ойимизга.

Хиёнат базмидан бизни адаштир,  
Қаролик юкмасин сарпойимизга.

Баҳор интиқ юракни банди айлаб,  
Шивирлаб кезди кўнгил сойимизга.

Ўзинг Ахтамқулига ишқ ато қил,  
Қуёш чиқсин югурган жойимизга.

## **УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ**

*АЖОЙИБ ДАВРУ ДАВРОН КЕЛДИ, УСТОЗ,  
ҚАЛАМ ҚЎЛИМГА ХАНДОН КЕЛДИ, УСТОЗ...*



\* \* \*

*Шоир Сирожиддин САЙИДГА*

Умр ҳам ҳайкириб ўтди, мухаббат дилда ранг олди,  
Қаро кўзлар хиёбонин келиб алдоқчи занг олди.

Хануз бир нолакор хофиз, бузар дунёни «Куйдим» деб,  
Куйиб кетган эдим мен ҳам, у кўнглимни аранг олди.

Бу кун «Кўксимдаги зангорларим» унсиз қанот ёзгай,  
Наволарни макон айлаб, юракларда варанг<sup>1</sup> олди.

Ёниб чексиз далам ҳасратларимга ғамгузор бўлди,  
Ҳисобсиз уйларимни тунлари Обизаранг олди.

Мени «Дил фасли»дан куз фаслига имлаб борар йиллар,  
Хаёлимни эгатлар бағридан чиққан жаранг олди.

Хилол қотил фалак тун чодирин бошимга тортар жим,  
Тамоми имтиёзимни аёвсиз тунги жанг олди.

Дилин Ахтамкули қирқ йил ниҳоллар жомига қуйди,  
Кейин сирларга бой юртни бориб оёқяланг олди.

\* \* \*

*Устоз Абдуғафур РАСУЛОВГА*

Ажойиб даври даврон келди, устоз,  
Қалам қўлимга хандон келди, устоз.

Тизилган байтларимга дил юборсам,  
Жавоби тонгда дoston келди, устоз.

---

<sup>1</sup> Гумбирлаш

Йиқилсам гул суянчиқ бўлди менга,  
Танамга мавж уриб қон келди, устоз.

Кўриб қалбим ёришгай ҳар қадамда,  
Ахир бошимга осмон келди, устоз.

Муҳаббатсиз юракка гул экувдим,  
Аламлар чашми гирён келди, устоз.

Олар завқ куйларимдан куйчи булбул,  
Яна битта ғазалхон келди, устоз.

Сочиб Ахтамкули қоғозга завқин,  
Ҳама байтларга пинҳон келди, устоз

\* \* \*

*Ҳамроқул ака Минғбоевга*

Кўриб дунё ҳаётим завқидан ўртоқланиб қолди,  
Ёниб ёзганларим эл қалбида ардоқланиб қолди.

Ловуллаб ҳар баҳор тоғларни бағрин долалар қучса,  
Муҳаббат ҳажрида куйган юрагим доғланиб қолди.

Фаму соғинчларим бирлан юрак дарвозасин очсам,  
Ниҳоллар гул сочиб келди, далам муштокланиб қолди.

Ҳаёт йўлимни гул айлаб, Ҳумо бошимда қувнайди,  
Яшар Шарғунга шерлар ғун, бу кўксим тоғланиб қолди.

Умр борлиққа кўчган йўл, изин қолдирмаганлар мўл,  
Дилим ҳар бир қарич ерга мислсиз боғланиб қолди.

Элин ардоқлаганларни Худо ардоқлагай бир кун,  
Севиб борлиққа дил ёзсам, ҳаётим чоғланиб қолди.



Кезар Ахтамқули шерлар Ватаннинг ишқида уйғок,  
Қуёш хамроҳи Ҳамроқул пўлатдек товланиб қолди.

\* \* \*

*Устоз Иброҳим САФАРОВГА*

Очилган қип-қизил гуллар мени хайрону лол қилди,  
Илм даргоҳида устоз ҳисобсиз гулнихол қилди.

Бу гулзордан муҳаббат дарсини олган йигит-қизлар,  
Ватан тупроқларин гулларга буркашни ҳаёл қилди.

Куюнчак болариларга менинг дил хайратим ошди,  
Улар гул лабларидан сўришиб, бизларга бол қилди.

Урилди гул иси бир зумда олисдан димоғимга,  
Ҳама хизматни беминнат эсиб турган шамол қилди.

Аё устоз, бу гулзор олдида хар тонг сахар ўтсам,  
Қизил гуллар қизориб, юзлари менга савол қилди.

Бахордай тез ўтиб кетган ўшал кунларни эслайман,  
Бу даргоҳ қанчалар мендек фақирни барқамол қилди.

Нечун Ахтамқули, гулларга бунча маҳлиё бўлдинг?  
Севиб, дилни бериб қўйдим, уни бир гул увол қилди.

\* \* \*

*Устоз Қозоқбой ЙУЛДОШЕВГА*

«Ёник сўз»лар ёниб турган юракнинг ҳосили бўлғай,  
У сўзлар жам бўлиб бир кун бутун олам тили булғай.

«Тирилган сўз» тирилтирғай мудом афтода дилларни,  
Агар қалб уйғониб кетса, жаҳоннинг булбули бўлғай.



Ётар минг йилки «Алпомиш» каро зиндонда истаб нур,  
Отиб аркон уни тортмоқчи бўлган бир қули бўлгай.

Ажаб эрмас ютиб қўйса «Тиши ўтмасга берсанг тош»,  
Адолат қасрини вайрон этишнинг ҳар хили бўлгай.

Ётар мақсадга қоқилмай кишиким «Рухи уйғоқдир»,  
«Ҳамиша навқирон шеърлар» Муҳаммаднинг дили бўлгай.

«Умидлар улғайиб» дунё Вафо қилса Саломатга,  
Билинг, сўзларга тош босган зиёкор таҳлили бўлгай.

Қозоқбой домламин, билсам, ижод аҳлин халоскори,  
Анинг ҳар битта шогирди ёниб Ахтамқули бўлгай.

\* \* \*

*Ашурали Жўраевга*

Пишиб «Муштум»да муштингиз ҳасадгўйларга ош бўлди,  
Ёниб майдонга тушдингиз, умр ўнсиз талош бўлди.

«Афанди», асли, бу дунё, азобга жонни этгай жо,  
Кетарсиз қилмайин парво, кўролмаслар ювош бўлди.

Томиб дард кўзларингиздан, чопар ой изларингиздан,  
Чақиндек сўзларингиздан муҳаббат серкуёш бўлди.

Зарафшон тонгда зар сочгай, йўлингизга кучок очгай,  
Ёмонликлар қуйиб қочгай, диёнат хомталош бўлди.

Наводиллар наво излар, «Юрак бўронлари» музлар,  
Хазонзорни кезиб қизлар, кўзида катра ёш бўлди.

«Саҳифага» бўлиб мушток, «сатрлар сиғмаган» ул чок,  
Дилингиз тонггача уйғок, балогардонга тош бўлди.



У ким, Ахтамкули, «Гулхан» ёкиб йўлингга кўз тиккан?!  
Назм шайдолари кутган ғазал қалбимда чош бўлди.

\* \* \*

*Исмат тоғага*

Қайтариб бермайдими тоғлар менинг боғимни ҳам,  
Лолазорга бурканиб ётган юрак доғимни ҳам?

Тонгда хайрон боғларим умримга хайрат қўшдилар,  
Ичди сархуш мисралар қалбимдаги ёғимни ҳам.

Кўзларим нам олса-да, киприкларим бўлмайди ҳам,  
Қорачикда асрабон юганда қишлоғимни ҳам.

Тилларингдан айланай деб орзикиб кутдим сахар,  
Хушхабарлар келтириб турган қаро зоғимни ҳам,

Балки, ошиқлар менинг ошиқлигим англаб етар,  
Изтироб саҳросида куйдирса тупроғимни ҳам,

Фамларим Исмат тоға оқгай Нихон дарёсида,  
Учмагай кўнгил қушим топганда дил тоғимни ҳам.

Шотируд – қисматга ишқ дostonини битган Ватан,  
Шаркираб оқкан булоқ сезмайди чанқоғимни ҳам.

Сигмаган кўнглим учун дунё тилаб, Ахтамкули,  
Гоҳ унутдим сарғайиб юрган ғариб чоғимни ҳам.



## Абдуғаффор АХМЕДОВГА

Сизни эл эъзозлагай боғларни бунёд этди деб,  
Одамийлик мулкани хар лаҳзада ёд этди деб.

Гуллатиб тупроғини, бахш айлагай дил ёғини,  
Дашнабод кишлоғини сурхонча обод этди деб.

«Қирқ чинор»нинг пойида, юртнинг улуғвор жойида,  
Чорлабон кўк чойига меҳмонларин шод этди деб.

«...Келдилар кетмоқдалар ному нишонсиз кимсалар»,  
Кувди очофатни эл кўп жойни барбод этди деб...

Сиз хануз собиқ раис, ўз халкига содиқ раис,  
Ўтди кўп қобик раис тақдир мени бод этди деб.

Нозланиб хар бир анор, йўлимга тургай интизор,  
Хизматин Абдуғаффор монанди Фарход этди деб.

Хосилот Ахтамкули, туфрок анинг жону дили,  
Йиғганим сўз хосили меҳрин умрбод этди деб.

Юракда сўзларингиз яхшилик қасрин қураб, устоз,  
Тамоми пандларингиз жисму жонимда турар, устоз,

Хаётим бахту иқбол йўлида тортиқ этилган шам,  
Дилим ўз борлиғидан завқланиб бедор урар, устоз.

Сабрсиз байтларимдек куз чаманзорларда қувнайди,  
Чинорлар қанча мағрур турса ҳам охир қулар, устоз,

Қаламдан воз кечиб кетган кунимни тун каро қилгай,  
Тўкилган пайтларимда хонам ичра ой юрар, устоз,

Менинг тошқинлигимдир сизни дарёдиллигингиздан,  
Қуёш парвона бошим узра, минг хил ўй сураб, устоз,

Ёзилган ҳар ғазалдан титрагай қалбимни ошёни,  
Олар дунё юзини, эҳтимол, бир кун улар, устоз.

Назм бўстонида дил овлаган Ахтамкулидирман,  
Умр қарвони тиндирмай изимдан изғилар, устоз.

\* \* \*

Яшил олам қучоғида ярашган гулми Феруза?!

Қуёш ҳуснин самоларда талашган гулми Феруза?!

Қўшиб ўн бешга ўн етти, баҳорим соғиниб кетди,  
Дегай ўн саккизим ўтди, адашган гулми Феруза?!

Мудом бир даста гул янглиғ, қалам қўлида тутгай тиг,  
Нигоҳи бунчалар ўтлнғ, қарашган гулми Феруза?!

Келар тонг бирла пинҳона, ҳаёт энг катта дарсхона,  
Эмас бизларга бегона, сўрашган гулми Феруза?!

Яшар «Тонг юлдузи» бирлан, анинг ўғил-қизи бирлан,  
Садоқат илдизи бирлан туташган гулми, Феруза?!

Биров ўттиз, биров ёш дер, биров оқила дилдош дер,  
Яшил ранг бебаҳо тош дер, санашган гулми Феруза?!

Дедим, Ахтамқули, юлдуз, чикиб байтимга хикмат туз,  
Кезар бошимда ўйнаб куз, курашган гулми Феруза?!



## **СУЯНГАН ЧИНОРИМ...**

*ҚУВЛАЯПТИ ДИЛГИР ХАТОЛАР,  
ИЗЛАРИМДАН УЗМАЙ ИЗИНИ.  
ОТАМ ЙИҒЛАБ БЕРГАН ДУОЛАР,  
БАЛОЛАРГА УРАР ЎЗИНИ...*



\* \* \*

Кўкси мағрур, шу баланд тоғлар билан тенгсиз, ота,  
Кўзларимга сиғмаган осмон каби кенгсиз, ота.

Кўп югурдим, тунлари ой изларимни излагай,  
Билмадим қайларда қолди, изларим менсиз, ота.

Гох баҳордан кечга қолдим, қиш мени ўйлатди кўп,  
Учди қалдирғочларим, боғимда кўнгилсиз, ота.

Тоғларим бағримга боссам, айқирар дарёларим,  
Майсалар пойимда йиғлаб чикдилар унсиз, ота.

Онамиз кетгач, бу кўнгил мулкидан бўлдим жудо,  
Телбавор кездим ғамим саҳросида ёлғиз, ота.

Титраган шу қўлларингиздай дилим титраб кетар,  
Тўлдириб бир кафт дуо, айланг-чи кўз ёшсиз, ота.

\* \* \*

*Укам Ғофирга*

Тоғларимни соғиниб дил бўлди қон, отамга айт,  
Кўзларимдан кетмаган булбулзабон отамга айт.

Боғларим кир бағрида пинҳона кўкка айтди роз.  
Тик туриб чарх остида бермоқда жон, отамга айт.

Мункайиб кўз нурию умрин йўқотганларга бок,  
Айрилиб дунёсидан чонгай чунон, отамга айт.

Кўмилиб кетди Карим мерганни кўҳна милтиғи,  
Охулар оҳ чекмагай бундан буён, отамга айт.

Онамиз кўз ёшини ичган нихоллар яшнагай,  
Изладим даргохидан бир бурда нон, отамга айт.

Тунлари сўз жангида рангсиз адо бўлгай қалам,  
Билдирар танхолигим тақдир шу он, отамга айт.

Бори-йўғим тўртта шеър, бошимда битмас бошпана,  
Омадим ҳеч чопмагай борсам қаён, отамга айт.

Байтларим, Ахтамкули, гуллайди кўнгил боғида,  
Ҳосилин бермоғи ҳам бир кун аён, отамга айт.

\* \* \*

Ҳурматин айланг бажо, бизларга қиммат кексалар,  
Кўзларида доимо меҳру муҳаббат кексалар.

Кўнглимиз ободлиги борлиқни тенгсиз зийнати,  
Халқимиз йўлбошчиси қўрғони давлат кексалар.

Тоғларим пешонасин ҳар тонг чиқиб ўпгай қуёш,  
Яшнаган юрт хокидан излайди ибрат кексалар.

Хайратим ошгай мудом, кезсам Ватан гулзорида,  
Кўхна дил достонидан сўзлайди ҳикмат кексалар.

Қиблағоҳим кафтидан оккуш бўлиб учгай дуо,  
Эзгулик бўстониға бошловчи хилқат кексалар.

Умрининг поёнида сўроққа айланса хилол,  
Кечмагай дунёсидан ул олий ҳиммат кексалар.

Кўзларин қирғоғида ишк ундирар Ахтамкули,  
Байтларим қарвонидир тинчликка сарҳад кексалар.



## ҚИШЛОҚ СОҒИНЧИ

Отам куйлаяпти, йиғлайди Машраб,  
Соғинчнинг ортидан қувлаб бораман.  
Юракни хижроннинг чўғига ташлаб,  
Чўккилар ёнида ёлғиз қоламан.

Ўрик гуллаяпти, қувнайди боғлар,  
Имиллаб чиқади қариган қуёш.  
Мен сизни кўчириб кетаман тоғлар,  
Измдан жилғалар тўқади кўзёш.

Дарё сўйлаяпти, шарқирар сойлар,  
Тулпорлар ёлини силайди шамол.  
Хўрланиб кетибди мен юрган жойлар,  
Мен ҳам ўзгарганман бугун, эҳтимол.

Осмон йиғлаяпти, кечикди баҳор,  
Набирам хайқириб дунёни бузди.  
Тоғларнинг бошини оқартирган қор,  
Яшашдан бутунлай қўнглини узди.

Майсалар базмида мавж урар ҳаёт,  
Хаёлдан кечади болалик чоғим.  
Юрагим қувончдан чиқарар қанот,  
Келишим орзиқиб қутар қишлоғим.

Отам йўқ, онам йўқ, ҳаммаёқ жимжит,  
Соғинчдан ҳовлиқиб қолади ҳовли.  
Дарвоза ёнида мўлтираган ит,  
Нигоҳи бунчалар дардчил, сўровли.

Кунларни йилларга улаяпти вақт,  
Самони тўлдирар қушлар парвози.  
Эшикка суяниб турибман қарахт,  
Олисан янграйди отам овози.



– Келдингми, кишлокни соғиниб, болам,  
Йўлингга кўз тикиб кўзларим толди.  
Менинг армонларим эди бир олам,  
Хаммаси тупрокка қоришиб қолди.

Пешонам пештоққа тегади шу он,  
Байтларим ювади юрак доғини.  
Ахтариб юрибман қирқ йилдан буён,  
Бобомнинг кимсасиз қолган боғини.

## СИЗСИЗ ҲОВЛИ ҲУВИЛЛАБ ҚОЛДИ

Ота, сизсиз ҳовли хувиллаб қолди,  
Соғинчдан сарғайди кўнгил қуёши.  
Ҳилол қиличини қайраб йўқолди,  
Анхорлар шивирлаб тўқар кўзёши.

Чўққилар корини курайди офтоб,  
Бахор йўлларимга ёғдирар хазон.  
Қушлар чуғурлайди тонгда беҳисоб,  
Муаззин бомдодда айтади азон.

Осилгай ўрикнинг бўйнига узум,  
Лаҳзалар чалади кўнғироғини.  
Дардларим қоришиб ётар бир уюм,  
Ёқолмай тунлари дил чироғини.

Менинг қисматимни синчилайди тун,  
Юрагим гуллаган кечаларида.  
Кириқлар кўзимдан ичаяпти хун,  
Юрибман изтироб кўчаларида.

Чийиллаб чиқади чиябўрилар,  
Атрофим ўрайди айланиб ғужум.  
Жоним, нега бунча ширин кўринар,  
Яшашнинг ишқида бошлайман ҳужум.



Бойўғли бой берган кунларин йўқлаб,  
Туннинг ҳаловатин бузади такрор.  
Мен эса аёвсиз қаламни ўқлаб,  
Қоғознинг қошига чопдим гуноҳкор...

## **АЙҚИРАДИ ЮГУРИК ДАРЁ**

Биз тоғларга борамиз, Ота,  
У тоғларнинг биздан қарзи бор.  
Йўлимизда мунғайиб турган,  
Дарахтларнинг айтар арзи бор.

Қирдан тушиб келаркан бобом,  
Бизни илиқ кутиб олади.  
Бу дунёда йўловчилармиз,  
Тоғлар эса мангу қолади.

Жаранглайди тўққиз дарадан,  
Абсалом чол айтган азонлар.  
Юрагимни титратар хануз,  
Дарахтлардан учган хазонлар.

Йиғлаяпти силкиниб онам...  
Мендан бўлак ҳеч ким билмайди.  
Мингта шамни ёқиб қўйса ҳам,  
Бу кўнглимни ёруғ қилмайди.

Айқиради югурик дарё,  
Арзу додин тингламас тошлар.  
Ёлворади ҳар кун қуёшга,  
Холдан кетиб ташна дарахтлар.

Чопиб келди хансираб болам,  
Мени тифсиз ўлдирди у кун.  
Қувибдилар бобом боғидан,  
Бир сиким тут егани учун.



Мендан тинчлик кетди ўша дам,  
Бир қушчалик бўлмади болам.  
Меҳр адо бўлипти, – дея  
Йиғладилар бечора онам.

Буқун ўша боғлар эгасиз,  
Қушлар тинглар нолаларини.  
Балхи тутлар тўйдирар ҳар қун,  
Тўнғизларнинг болаларини.

Биз тоғларга борамиз, болам,  
Тоғлар менинг қувончим бахтим.  
Энди сени ҳеч ким қувмайди,  
Мева тугди эккан дарахтим.

Тош девору тош айвон нима?!  
Гоҳида тош бўлган юраклар...  
Бизга пешвоз чиқар олисдан,  
Мулла Ниёз эккан тераклар!

## ОҚАРАДИ ОСМОННИНГ РАНГИ

Тоғлар сизмас қучокларимга,  
Шамолларга бўлибман банди.  
Хуржунимнинг кўзлари бўм-бўш.  
Мен дунёдан кечган афанди.

Излаяпман борар йўлимни,  
Йўлларимни кесар йўлаклар.  
Ололмайди ҳатто кўнглимни,  
Боши кўкка етган тераклар.

Қувлаяпти дилгир хатолар,  
Изларимдан узмай изини.  
Отам йиғлаб берган дуолар,  
Балоларга урар ўзини.



Осмон тубсиз уммон сингари,  
Бошим узра чарх уриб музлар.  
Гулхан ёкиб чиқар тунлари,  
Кўзларимга кўчган юлдузлар.

Ёлвораман телба рухимга,  
Дард кўшилар юракка янги,  
Тун осилиб киприкларимга.  
Окаради осмоннинг ранги.

### **ДАРА СУКУТ САҚЛАЙДИ...**

Дара сукут сақлайди борсам,  
Йўллар унсиз кўмилиб кетган.  
Ёлғизоёқ бу сўмоқлардан,  
Боболарим хайкириб ўтган.

Осмонларни суяган чўкки,  
Қирлар билан боғлар йўлимни.  
Искандартоғ ёнига бордим,  
Харсангларга бериб кўлимни.

Чўкдим, кекса чинор нойига,  
Йиллар мени домига тортди.  
Фамларимни тўкиб юбордим,  
Тақдир уни елкамга ортди.

Хувиллаган кимсасиз боғлар,  
Хазон тўшаб борар пойимга.  
Болалигим кечган қишлоқлар,  
Келдим, униб ўсган жойимга.

Осилганди отам кетмони —  
Мункайибди ховлида ўрик.



Англамадим мен бу дунёни,  
Ҳаёт, ўзи бу не кўргилик.

Қамчилайди дарёни кимдир,  
Фарёдига туриб бўлмаиди.  
Бошин уриб борар тошларга,  
Ўз жонига раҳми келмаиди.

Чизганларим совук манзара,  
Кўрганларим минг куйга солди.  
Боламга деб қилган боғларим,  
Баланд тоғлар бағрида қолди!

Ёлвораман яратган Эгам,  
Мени юксак чўққига чикор.  
Маймунларга мазах қилгунча  
Бургутларга ем қилиб юбор!

## ДАРВОЗАНГА ҚЎРИҚЧИ ОТАМ

*Хорижда ишлаётган укам Ғофирга*

Ўрмонларда хотиржам кезиб,  
Ларисалар қор ўйнаяпти.  
Армон жисму жонингни эзиб,  
Соғинч сени тинч қўймаяпти.

Моштепада қутурган шамол,  
Йиғиб келар каму кўстини.  
Отам ҳануз олишар ҳалол.  
Елкасида эски пўстини.

Панд беради бойлик ҳам гўё,  
Биров уни топиб йўқотгай.  
Ёлғонлардан қурилган дунё,  
Кўзларингда кўмилиб ётгай.



Айт, нима бор ўша шаҳарда?  
Гуллаётган гулзорга қайтгин.  
Оппоқ тонгни қучиб сахарда,  
Чўқкиларга завқингни айтгин.

Сарғайди куз боғларда кезиб,  
Ёритолмас кўнглимни хонам.  
Юрагимни юрсам-да эзиб,  
Кўринмайди ҳеч ерда онам...

Қорбоболар қорга қоришар,  
Бойлик сочиб юрибди, Хотам.  
Хижрон билан олишиб чиқар,  
Дарвозангга қўриқчи отам...

## СЎРОВ

– Эскилардан яна ким қолди?!  
Бармоқларин санайди отам.  
Тенгдошларим бари йўқолди,  
Нахот тутдек тўкилса одам.

Адашмасам Мухтори Қассоб,  
Тўқсон икки баҳорни кўрди.  
Яхшиликлар қилди беҳисоб,  
Ёмонликнинг ҳосилин ўрди.

Қосим мерган қирларда сарсон,  
Бўй бермагай унга кийиклар.  
Тоғларимни яширди осмон,  
Йиғлаб қолди бағри куюклар.

Волидамнинг ўчоғи ўчди,  
Қизғалдоқлар унди алвондек.  
Кўзларимдан юлдузлар кўчди,  
Аросатда қолган карвондек.



Муштдай бўлиб Малика момо,  
Ҳовлимизда ўлтирар эди.  
Яратганга қилиб илтижо,  
Ризқимизни келтирар эди.

Исмат тоға эслайди хануз,  
Адо этиб юрак ёғини,  
Билдирмасдан сарғайтирди куз,  
Отасининг эски боғини.

Хуррамбойнинг қулоғи оғир,  
Суянади Холмахмад чолга.  
Кўзларига чўккан хавотир,  
Кўмиб борар уни хаёлга.

Салоҳиддин оғамиз кетди,  
Олтмишини қутлайди тунроқ.  
Онасининг бағрига етди,  
Чарчоғини унутди мутлоқ.

Зор йиғлайди Зулхаёт опам,  
Тўхтатолмас кўзда ёшғини.  
Хаёт эрур шафқатсиз ҳакам,  
Тоғларни ҳам эгар бошини.

Қишлоғимни кезаман ғамгин,  
Армон қилар дилда тантана.  
Отам айтар – ҳисоблаб кўргин,  
Эскилардан ким қолди яна?!



## ВАТАН

Дардларимни майдалайди тун,  
Ой мўлтираб турар қошимда.  
Осмон кўнглим кўтармок учун,  
Юлдузларни сочар бошимга.

Қоғозларга муҳрлангай сўз,  
Мисраларга тизиб жонимни.  
Атрофимда беҳисоб дилсўз,  
Шеър қуршади тўрт томонимни.

Қўрғонини бузиб кетар дил,  
Тўсиқларга бўй бермас мутлоқ.  
Хаёлимни айлайди чил-чил,  
Олислардан имлаган кишлок.

Суюнчига ошиқар шамол,  
Тинчин бузуб ухлаган боғнинг.  
Кўз олдида турса ҳам хилол,  
Қабоғидан қор ёғар тоғнинг.

Соғинчимга соғинч кўшади,  
Бобом билан сирлашган булоқ.  
Харсангларим қалбга кўчади,  
Вужудимга тўлдириб титрок.

Чўқкиларни қувиб изимдан,  
Орзуларим учар фалакка.  
Борлик буни кузатиб зимдан,  
Ватан меҳрин кўшар юракка.

Нихондара қучоқ очади,  
Қувончларим бошлаб борар йўл,  
Тун чодирин судраб қочади,  
Отам дейди: «Болам, хушёр бўл!»



## ҚАРЗ

Ўзбекистон Қаҳрамони  
Абдулла Ориповга

Отам армон ёзар ҳар борганимда,  
Бўйнимга қарз қилиб қўяр бир сўзни.  
Дардига қўшилиб дард қорганимда,  
Тупрокқа қадайман ногаҳон кўзни.

– Айтдингми?! – сўровни бошлайди ҳар гал,  
Савол уйғотади қалбимда исён.  
Нахотки, бир сўзни сен шунча маҳал,  
Айтишга улгурмай юрибсан нодон?!

Ота, саволингиз бунчалар тугун,  
Мен адо бўлганман сўзлар туфайли...  
– Болам сен бир марта кириб мен учун,  
Абдулла Орифга ёлворгин, майли.

У ҳакни айтишдан қайтмаган шоир,  
Фамгин юрагимни англагай, зора.  
Товларни боғ қилиб кездим бир умр,  
Бу кун чиқишимга топмайман чора.

Тошкентга ошиқиб келаман сахар,  
Дунёни бузгудек дилимда нолам.  
Саволлар изимдан изиллаб келар,  
«Абдулла Орифга айтдингми болам?!»

Дўрмон боғларида ёз кезар санғиб,  
У ҳам ҳорикқанга ўхшайди, чоғи.  
Бошимда соябон тутди қалқиб,  
Шоирни бешафқат қаритган боғи.

Чинорлар бўй чўзар, елкаси яғир,  
Толлар кучоғини очади толга.  
Ота, қарзингизни айтмоғим оғир,  
Дарддан адо бўлган бу оқсоқолга.

Куёш кўк токини куйдириб чиқар,  
Мўлтираб қолади занглаган ҳилол.  
Менинг сўзлашимни умидвор кутар,  
Кўнглимга суянчиқ бўлган икки чол.

Кўнглимга суянчиқ бўлган икки чол...

### ПИРЯХТОҒ КЕКСАЙДИ

Пиряхтоғ кексайди, кафтида осмон,  
Юлдузлар сочилиб ётар қошида.  
Дарёнинг бўғзидан отилган азон,  
Борлиқни уйғотар кирлар бошида.

Отамнинг қийшайиб қолган чайласи,  
Онамнинг меҳридан узилиб қолди.  
Дунёнинг шафқатсиз макру ҳийласи,  
Мени танҳоликка ташлаб йўқолди.

Осилиб йиғлади қалбимда армон,  
Чайқалар кўзимда ғамнинг қуёши.  
Айрилиб қолишдан кўрқаман ҳар он,  
Қайдасан умримнинг содиқ йўлдоши?!

Тўнимни тун каби елкамга илдим,  
Изимдан ёлворди майсалар мудроқ.  
Дарднинг чанғалида дардчил югурдим,  
Хаёт сўқмоқлари кутди бечироқ.



Кийиклар кўксини очди ҳавога,  
Какликлар қикирлаб кўнглимни бузди.  
Бобомнинг милтиғи кўмилган жойга,  
Ўргимчак ўрлашиб харита тузди.

Азобга ўт қўяр мастона дилим,  
Умримни қувлайди изи йўқ шамол.  
Тунлари имлайди мени бетиним,  
Қорли чўққиларда мизғиган ҳилол.

Отам Хизр билан чордона қуриб,  
Эски достонини айлар тиловат.  
Фамгин кўзларимга қувонч югуриб,  
Унинг айвонида топдим ҳаловат.

Қисирлаб кетади қисир дарахтлар,  
Қоғозга ёғилар аёвсиз баёт.  
Қуёш ўлкасидан хабар келтирар,  
Бахорни йўргаклаб югурган ҳаёт!

## ИЗЛАРИМНИ ИЗЛАЙДИ ШАМОЛ

Хазон бўлди боғларим, Ота,  
Булбулларнинг ноласи тинди.  
Осмонимда кезган булутлар,  
Кўзларимнинг тубига инди.

Туни билан қийнаган хижрон,  
Олов қўшди дилнинг тафтига.  
Юрагимни бериб йиғладим,  
Харсангларнинг совуқ кафтига.

Йўлларимга кўз тиккан онам,  
Кўз ёшига ғарқ бўлиб кетди.  
Бир кечада дунё дилимнинг,  
Кулбасини вайрона этди.



Изларимни излайди шамол,  
Дараларда бўридек увлаб.  
Шамширини қайраган ҳилол,  
Етолмайди бошимни қувлаб.

Тўрт томоним ўраб олди тоғ,  
Жазо оғир кечади, чоғи.  
Мени тунлар айлайди сўроқ,  
Отамнинг занг босган ўроғи.



## **ОНАМНИ СОҒИНДИМ...**

*МЕН КИМ БЎЛДИМ ДУНЁДА, ОНА,  
БУ МАЙСАЛАР УСТИМДАН КУЛДИ,  
МЕНДАН ОЛДИН МОЗОРИНГИЗГА,  
БОРИБ СИЗНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ...*



## ТОНГ ОҚАРДИ ОЁҒИМГА БОШИН УРИБ

Дунё, сендан нима топдим юриб-юриб?  
Тонг оқарди оёғимга бошин уриб.  
Кўзларимнинг дарёлари кетди қуриб,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Ичи адо бўлиб қолган бир чинорман,  
Тан тупроқдан ташқарида, демак борман.  
Шоҳ Машрабнинг хуржунига харидорман,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Минг эшикка судраб борар танамни жон,  
Барчасига гувоҳ бўлди ул Меҳрибон.  
Қалбим оғиб бораяпти сизга томон,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Оқ булутдек тўзилади борган сари,  
Қисматимнинг битилмаган дафтарлари.  
Бу ҳолатни сезмаганман мен илгари,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Етим қўзи, қанча боқсанг тўлмас экан,  
Етим бола, боққанга дўст бўлмас экан.  
Кўз ёшингиз тинчлигимни бермас экан,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Ташвишларга кўмилибди сингилларим,  
Акам, укам, менинг синган кўнгилларим.  
Телефонлар гуноҳкордек туришар жим,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Пешонамдан ювади шўр келинингиз,  
Сиз мақтаган оқкўнгил, зўр келинингиз.  
Мен нодонни топди бу кўр келинингиз,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!



Алам қилар қишлоғимга борганимда,  
Юрагимни кулбангизга ёрганимда.  
Отам билан тунлар хижрон қорганимда,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Кувонгансиз ёруғликка келган куним,  
Қалбингизни бир бўлаги бўлган куним.  
Сиз ранжиманг сира ғамга тўлган куним,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

Кечиргайсиз, бу гунохкор кулингизни,  
Ахтам, «кули» бўлган ношуд улингизни.  
Қабрингизни қучдим топмай дилингизни,  
Она, сизни бир соғиндим, Она, сизни!

## МАЙСАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАНМАН

Мен ким бўлдим дунёда, она,  
Бу майсалар устимдан кулди.  
Мендан олдин мазорингизга,  
Бориб сизни зиёрат килди.

Тушунмай бу дунё ишларин,  
Орқасидан кувиб толганман.  
Балки ўша сабаб онажон,  
Майсалардан ортда қолганман.

Қабристонда қизғалдоқларнинг  
Қанчалар қон бўлганин кўрдим.  
Табиатнинг танбехларидан,  
Қаршингизда хижолат бўлдим.

Тупроқ каби беозор онам,  
Энди сизни қайдан топаман.  
Кўнглим каби хувиллаб ётган,  
Далаларга қараб чопаман.



Топдим барча йўкотганларим,  
Ҳамроҳ бўлди менга шуҳрат-шон.  
Аммо сизни қанча изласам,  
Тополмайман энди, онажон.

Мен ким бўлдим дунёда она,  
Бу майсалар устимдан қулди.  
Мендан олдин мазорингизга,  
Ўзларини пояндоз қилди.

## ИЛТИЖО

*(Бир онаизор ноласи)*

Мен дунёнинг ғамларини ютиб адо бўлганман,  
Фарзандларим тўйларини кутиб адо бўлганман.  
Бахтсизликнинг эшигидан учиб кирган бахт қушин,  
Титраб турган қанотларин тутиб адо бўлганман.

Келинларнинг кўзларига қарашга йўқ тоқатим.  
Кўзларимнинг дарёлари бўлди менинг овқатим.  
Эрта келди зимистоним, мен қор босган дарахтман,  
Ўз тинчимни йўкотганман, йўкотганман роҳатим.

Армон мени етаклайди, ёғоч сўри қолар лол,  
Бу дунёда армон бўлиб туғилганман, эҳтимол.  
Тоғоғимда қотиб қолган, кўкни бузар нолам бор,  
Мен ўшаман танасида қирқта жони бор аёл!

Эй Яратган, тингла менинг юракдаги ноламини,  
Ахир ўзинг ато қилдинг ўн саккиз минг оламини.  
Майли мени қандай қуйга солсанг чидаб яшайман,  
Бир тилагим: бешиқ бергин, бошин сила боламини!



Бу дунё-ку асли бир кам, камларини кўрмайин,  
Болаларим кўзларининг намларини кўрмайин.  
Майли ғамлар мени есин, мен ғамларни еб яшай,  
Икки дунё фарзандларим ғамларини кўрмайин!

## ҲАЙИТ КЕЛДИ...

Уруш... Очарчилик йиллари. Такдир Ҳайит момонинг бошига каро кунларни солди. Ўғли Абдумуроддан кора хат келди. Мехнат фронтдан қайтган Бердимурод ота бор йўғи беш кун яшади. Сибир ўрмонларида ўпкасини совукка олдирган эди. Бир куни Ҳайит момонинг уйига очликдан силласи қуриб қолган Ғози чолнинг беваси кириб келди.

– Ҳайитой синглим, бозорга бориб нон топмасак хароб бўламиз, – деди. Нон отликқа топилмайдиган замонлар. Бозорга боришди. Нон тополмай қайтдилар. Умиди узилган Ғози чолнинг беваси йўлда оёқдан қолди. Қишлоқ олис эди. Ҳайит опа уни кўп судради, лекин манзилга етказиб боролмади. Кейин уни бир чордеворда қолдирди, қишлоқдан ёрдам олиб келмоқчи бўлди... Эртаси куни қишлоқда Ғози чолнинг бевасини бозор йўлида оч бўрилар еб кетибди, – деган совук хабар тарқалди...

Ҳайит келди, қаёқдасиз, Ҳайит момо?!  
Бугдойларнинг бошоғони термайсизму?!  
Кафтингизни қуйдиради чўғдек дуо,  
Йўлдошжонга эртак айтиб бермайсизму?!

Ҳайит келди, қаёқдасиз, Ҳайит момо?!  
Судраяпсиз Ғози чолнинг бевасини.  
Бўриларнинг жазосини берди Худо,  
Бизлар тотдик истиклолнинг мевасини!

Ҳайит келди, қаёқдасиз, Ҳайит момо?!  
Муродига етолмади Абдумурод.  
Олислардан келаяпти мунгли нидо,  
«Биз ғолибмиз, сизга бўлсин бахтли ҳаёт».

Ҳайит келди, қаёқдасиз, Ҳайит момо?!  
Бердимурод ота жангга бормаяпти.  
Тинчлик учун бош кўтарди бутун дунё,  
Жанг номини ҳеч ким тилга олмаяпти!

Ҳайит келди, қаёқдасиз, Ҳайит момо?!  
Жаннат этсин Оллоҳ борган жойингизни.  
Йўлдош ота ҳаққингизга айлаб дуо,  
Кўзга суртгай ҳар кун хоки пойингизни!

Ҳайит келди, қаёқдасиз, Ҳайит момо?!..

### **ОНАМНИ СОҒИНДИМ...**

Тунлари ой билан диллашган,  
Тупрокка куйиниб сирлашган,  
Бир умр ўт билан тиллашган,  
Онамни соғиндим, онамни...

Қийшайган тандири қорайди,  
Дунё кўз олдимда торайди,  
Пандлари коримга ярайди,  
Онамни соғиндим, онамни...

Тоғларим кўз тикар йўлимга,  
Қаламим толгандек қўлимда,  
Байтларим бўй бермас ўлимга,  
Онамни соғиндим, онамни...



Армоним тизилиб кетади,  
Гоҳ кўнглим бузилиб кетади,  
Хаёлим тўзилиб кетади,  
Онамни соғиндим, онамни...

Ўтади хорикқан кунларим,  
Қуёшни йиқитган тунларим,  
Оламни титратар унларим,  
Онамни соғиндим, онамни...

Умримни қиймалаб карвонлар,  
Ташийди заъфарон хижронлар,  
Боши ҳам гуноҳкор «полвон»лар,  
Онамни соғиндим, онамни...

Хиёнат эшигин ёпганман,  
Тўрт қатор мужмал шеър топганман,  
Қалбимни ҳовучлаб чопганман,  
Онамни соғиндим, онамни...

Титилсин битмаган китобим,  
Хаётдан топмаган жавобим,  
Ўлимдан оғирроқ азобим,  
Онамни соғиндим, онамни...

## **БАҲОР УНУТМАБДИ...**

Кўзларим занглади тунга тикилиб,  
Йўлимни ёритмай қўйди қайсар ой.  
Соғинч майдонида ҳолсиз йиқилиб,  
Хазондек тўзилиб кетдим, Гулчирой.

Дилимни дардсизлар англамас энди,  
Оҳимдан титради сабрсиз дунё.  
Йўллар изларимни опичлаб ёнди,  
Оловзор оралаб юрибман гўё.



Қани йўлларимга кўз тиккан онам  
Нураган кўнглимни бир зум кўтарса.  
Қўллари қалтираб чикса-ю отам,  
Дилгир ғамларимни қувлаб юборса.

Биз юзга бўлиниб кетганмиз, синглим,  
Қамчилаб ёшликнинг хуркак отини,  
Қумрилар минг йиллик эски мунажжим —  
Қўйлайди қалбимнинг куллийетини.

Яна қизғалдоқлар ёниб чиқишди,  
Баҳор унутмабди бобом боғини.  
Лайлақлар оқ тонгни олиб учишди,  
Бизга интиқ очиб кенг кучоғини.

Менинг ношудлигим панд бергани чин,  
Қоғозга сочолмай юрибман сўзни.  
Онамнинг руҳини шод этмоқ учун,  
Етаклаб бораман тонгда Наврўзни.

## СИНГЛИМГА

Обихаёт — онам кўз ёшин,  
Юволмаган дарё, Гулсанам.  
Юлиб кетди қалбим куёшин,  
Биз билмаган дунё, Гулсанам.

Пиряхтоғдек кексайди отам,  
Интиқ кутиб одил Хакамни.  
Қоғоз билан сирлашган қалам,  
Унутмайди «полвон» акамни...

Кўз тикади бобомнинг боғи,  
Мевалари остига оғиб.  
Орзиқтирса Ватан тупроғи,  
Шеър бўлади ғамларим ёғиб.



Ок тутларни талайди зоғлар,  
Болам кирар тушимга йиғлаб...  
Кўзларимда музлаган тоғлар,  
Тополмайди кўнглимни излаб.

Йиғламасдан яшагин, синглим,  
Асраб қўйгин кўзинг ёшини.  
Билдирмасдан эгиб қўйганман,  
Рақибимнинг мағрур бошини.

Қайтар дунё қайтар ўзимга,  
Ҳаловатсиз дамларни отдим.  
Байт тизади борлиқ кўзимда,  
Шодлигимни қайга йўкотдим.

## **ОНАМ ОЛИБ КЕТДИ САРҒАЙҒАН КУЗНИ**

Келдим, мени кутлар тоғу тошларим,  
Йиллар пешонамга ғилдирак сурди.  
Дардимни укмаган қариндошларим,  
Дунё айвонида дардсиз югурди.

Осмон осилибди борликни қучиб,  
Чўккилар кафтида титрайди нажот.  
Ўтдим сўқмоқлардан бургутдек учиб,  
Дилни соғинчзорга боғлади хаёт.

Онам олиб кетди сарғайган кузни,  
Қоғозларда ғамгин байтларим унди.  
Отам қувлаяпти қалтираб юзни,  
Сўнгги танҳоликка сирдош тутинди.

Қувноқ болаликнинг тотли дамлари,  
Мени хотиралар домига отди,



Оқизган кулчамнинг ширин таъмлари,  
Топган ҳаловатим завқин йўқотди.

Ҳануз баландларда юрибман бепо,  
Шамол увлаяпти қайраб изимдан,  
Юлдузлар – йўлимда ёғилган дуо,  
Ўзиб кетаяпман, сўзсиз ўзимдан.

Қоғозга тўкаман туннинг рангини,  
Оймомо ўйловдан озиб кетади.  
Қаламнинг шеър сўраб қилган жангини,  
Фалак манглайимга ёзиб кетади.

## ХОТИРАМНИНГ МУНГЛИ ОҲАНГИ

Куз...  
Отамнинг кўҳна китоби,  
Сарғайибди ўтган умрлар...

Тун...  
Кўзларим йиғган жавоби,  
Қуёшини излагай улар...

Ой...  
Онам қувлаб адо бўлган нон,  
Оқармади қисмат тандири.  
Бизлар эса йўлдамиз ҳамон,  
Бўйнимизда ҳаёт занжири...

Осмон...  
Осиб қўйилган қозон,  
Қайнамайди қуёш гафтидан.  
Янграяпти қайдадир азон,  
Тахоратсиз қолдик, афтидан...



Тоғ...

Тарозига қўйилган тошлар,  
Кутиб ётар савобимизни.  
Умримизни баландга бошлар,  
Ололмайди жавобимизни.

Дала...

Бобом топиб берган йўл,  
Дехқон ундан чиқиб кетмаган.  
Нихолларни эъзозлаган қўл,  
Чаноқларни четлаб ўтмаган.

Йўл...

Қаранг, яна қанча оломон,  
Томошадан завқланиб қолар.  
«Ов» қилишга чоғланган жувон,  
Гуноҳига кўмилиб борар...

Қишлоқ...

Дарвозанинг қошида чоллар,  
Қувончини кутишдан толган.  
Булутларни қувган шамоллар,  
Ялпизларнинг кўркини олган.

Замин...

Елкасида ҳаёт тўрваси,  
Юзларининг таноби қочган.  
Тирикликнинг ёвфон шўрваси,  
Бағридаги сирларни очган.

Хотирамда мунгли оханглар,  
Тирнайверар нукул ярамни.  
Қоғоздаги пинҳона жанглар,  
Адо қилди унсиз қаламни...



Гуллаб кетди билдирмай шаҳар,  
Дилхуш кездим қушлар базмида,  
Қувончларга тўлиб ҳар сахар,  
Байт тўнладим қалбим назмига.

Иморатлар боши фалакда,  
Қурувчилар, сизга қойилмиз.  
Биз уй қурдик мудом юракда,  
Ижарада турган шоирмиз...

Чарчаб қолдим жумбоқ ечишдан,  
Миниб келдим шижоат отин.  
Нима фойда тинмай кўчишдан?  
Тўнимни ол, кетайлик, хотин!

## КУЗ СОҒИНЧИ

Титраган баргларнинг кафтида илинж,  
Ўт қўйиб кетди куз баҳорларимга.  
Отамнинг ховлиси ёғдирган соғинч,  
Қоришиб боради хуморларимга.

Онамнинг дардларин кўтарган сўри,  
Унсиз хазонзорга қўмилиб кетди.  
Боламнинг тинчини йўқотган «бўри»,  
Эгилган бошини кўтармай ўтди.

Чопдим болаликни қўмсаган сойга,  
Нега қўринмайди ўғрилар боғи?!  
Вужудим калтираб ёлворсам Ойга,  
Тўхтатди, отамнинг дардчил сўроғи.

Хувиллаб ётибди қўнгиллар бўм-бўш,  
Қўринмас дил олган башоратчилар.  
Нечун юрак билан қилмас хайри хўш,  
Қаъбага ошиққан зиёратчилар.



Букун топганимдан йўқотганим кўп,  
Армоним улғаяр дилимни тиглаб.  
Қушлар, қуёш чўкса, айлар талотўп,  
Мен эса хонамга кираман йиғлаб...

Устозим ўтолмай юрар юзимдан,  
Кўнглини айрилиқ хажрига сотди.  
Бургутдек нигоҳин қадаб изимдан,  
Тунни кўшиқларим мавжига отди.

Сочилган хазонми ё тунги сеҳр?  
Шамол дарахтларни килар масҳара.  
Лахзалар тўкилиб борар бемехр,  
Умр окаяпти мисли шаршара.

Болам, дарвозани ёпмасдан киргин,  
Майли, ўчаверсин алдамчи чирок.  
Дунёнинг завқини опичлаб юргин,  
Токи мен ҳовлида юрибман уйғоқ!

## ИЛТИЖО

Зухро, мени унутди осмон,  
Бошим узра киров сочди тун.  
Йўлларимни айла чароғон,  
Юқорилаб бормоғим учун.

Чўкки, тубсиз кўнглимни кўтар,  
Бургутларга бўлай ҳамсоя.  
Дунё чархи гулдираб ўтар,  
Кунларимни этмай химоя.

Дарё – тиним билмас чаваңдоз –  
Ғамларимни камчилаб борар.  
Юрагимда бонг урган овоз,  
Байтларимга андоза олар.



Она, ойни кўтардим бошга,  
Юлдузларим учдилар қаён?  
Ёниб чиқар хар тонг қуёшга  
Дилни ўртаб янграган азон.

Ватан – бобом меҳрини ёзган,  
Кафтларимни куйдирган дуо.  
Гўзалликка интилиб озган,  
Окқушларга қилдим илтижо.

Ота, отдан тушмаганим рост,  
Суякларим майдонда қотди,  
Шивирлайман, қалбимда «Ихлос»,  
Изларимни бўрон йўқотди.

Болам, бедил отангни кечир,  
Юрагини едирди шеърга.  
Соғинчимни билдирмай кўчир,  
Онанг қувонч ўстирган ерга.



## **СОҒИНЧЛАРИМ ЧИҚАРГАЙ ҚАНОТ**

**БУ КУН БОШИМГА ОЙ ЧИҚДИ,  
ҚАРОЛИКЛАРНИ МОТ ҚИЛДИМ,  
БАЛОЛАРГА БАЛОГАРДОН  
ЮРАКНИ ЭХТИЁТ ҚИЛДИМ.**



## ЁЛҒИЗ ҚОЛДИМ

*(Гуласрорнинг ноласи)*

Ёлғиз қолдим, хувиллар ҳовли,  
Дунё менга бергандек савол.  
Бу оламда мен сиз туфайли,  
Бўлган эдим энг бахтли аёл.

Тўрт жуфт каро кўзга тикилиб,  
Фиғонларим кўқларга етди.  
Тунлар ойга илтижо қилиб,  
Юрак бағрим тўкилиб кетди.

Бизни бевақт ажратди ҳаёт,  
Шамол ғамгин бошимни силар.  
Отам қачон келар экан деб,  
Болаларим хархаша қилар.

Ёлғиз қолдим, ой бўлди гувоҳ,  
Тунлар чеккан нолишларимга.  
Тўқдим барча армонларимни,  
Совиб қолган болишларимга.

## ДАРД

*XX аср бошларида яшаб ижод қилган  
шотирўдлик шоир Мулла СУЛТОН  
билан дардлашув*

Тоғлар қолди биз кетдик, бобо,  
Тун эргашар қарвонимизга.  
Яратгандан қилдик илтижо,  
Қувват берсин иймонимизга.

Силкиб ётар дилда дардларим,  
Сиздек ёниб ёзолмаяпман.  
Булбулларнинг хонишларидан,  
Мен кўнглимни узолмаяпман.

Боғлар қолди, биз кетдик, бобо,  
Боғларимни қиймайди кўзим.  
Бу танамни дард тиғи билан,  
Қийма-қийма қилганман ўзим.

Атрофимда парвона бўлиб,  
Дилбергичлар еди дилимни.  
Мен уларнинг нафсини кўриб,  
Совуқ сувга ювдим кўлимни.

Осмон қолди, биз кетдик, бобо,  
Йўл йўқ экан адашганларга.  
Искандарнинг аччиқ қисматин,  
Айтдим дунё талашганларга.

Дарё, тўхта, сўзласин тоғлар,  
Юзларининг қаролигини.  
Отам каби мағрур дарахтлар,  
Ич-ичидан адолигини.

Нихондара, биз энди кетдик,  
Мисли шамол учирган хазон.  
Ювиб чиқар изларимизни,  
Бошимизда йиғлаган осмон.



## ЭЛ ЁДИДА САҚЛАР ЭКАН...

*(Ижод аҳлини қадрлайдиган оғамиз  
Фахриддин Низомиддиновни хотирлаб)*

Сангардакнинг сабр қилмас шамолидай,  
Боботоғнинг шомда чиққан хилолидай,  
Шаршаранинг бизга берган саволидай,  
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, оға?!

Тулпорларнинг ёлларида ўйнайди нур,  
Чўккилардан ранг оласиз дилда ғурур,  
Ҳумо юртни қучганига айлаб шукур,  
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, оға?!

Шаҳобиддин хожи бобо изларидан,  
Сўрамасдан балки буни ўзларидан,  
Қувонч йиғиб набиралар кўзларидан,  
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, оға?!

Дунё билсам, битилмаган дафтар экан,  
Умр учиб бораётган каптар экан,  
Яхшиларни эл ёдида сақлар экан,  
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, оға?!

Фахр қилгай эл Фахриддин боласидан,  
Тоғлар титрар Сангардаксоё нолабидан,  
Ой айланар сочларингиз толасидан,  
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, оға?!

Сариосиё қирларида Қорабайир,  
Тулпорларда чавандозлар қилгай сайр,  
Улоқ сизда кетган бўлса, майли, хайр...  
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, оға?!



## МУҲАББАТСИЗ ҚОЛГАН ГУЛЛАР

(Нурмуҳаммад раисга мактуб)

Қуёш чикқан қирларда гул ундимикан?  
Кетмонларнинг навосида оқди жаранг.  
Кимдир бизнинг қадримизни билдимикан?  
Бемаҳалда қуриб қолса Обизаранг<sup>1</sup>...

Гулсанамнинг гуллаётган далалари,  
Тошлоқларга қадаб қўйди қўзимизни.  
Саратоннинг олов сочган паллалари,  
Биз оташга урар эдик ўзимизни.

Пахта тонгдек оқарарди найти келиб,  
Юрагимиз юлдуз каби ёришарди.  
Кафтин очган чаноқларнинг «қули» бўлиб,  
Армонимиз булутларга коришарди.

Эгатларда саратоннинг тафтин ичиб,  
Далаларнинг ҳавосини хушлаганмиз.  
Гулга кирган нихолларнинг бедин кучиб,  
Нурмуҳаммад раис билан ишлаганмиз!

Ҳорикқанмиз асов бахтни қува-қува,  
Панд берарди умримизга эгов йиллар.  
Биз кезмаган кўчаларда, раис бува,  
Соғинч сочди муҳаббатсиз қолган гуллар.

---

<sup>1</sup> Дарёнинг номи.

## НОЛА

*(Собиржоннинг қабр тошига)*

Менда юрак йўқ эди, болам,  
Табибларнинг чопдим қошига.  
Бир кечада гарк бўлди олам,  
Кўзларимнинг оккан ёшига.

Елкамга тоғ қулади, нетай,  
Бағрин тиглаб юрибди, Жаҳон.  
Туни билан илтижо этай,  
Бизга сабр бергин Художон...

\* \* \*

Такдир сени шу тупроққа экиб кетди,  
Ер ўпмаган елканг ерга тегиб кетди.  
Қабринг узра ўсиб чиққан майсалар хам,  
Айрилиқдан бошларини эгиб кетди.

## ГУЛБАҲОРГА БОҚ

*Деновда Гулбаҳор Муродова  
деган фермер бор.*

Далаларни дастурхон этиб,  
Юрагини сочар дон этиб,  
Бугдойзорни имтихон этиб,  
Гуллаётган Гулбаҳорга бок.

Денов десанг жони югургай,  
Эгатларда кони югургай,  
Тонг отса, дехкони югургай,  
Ўйлаётган Гулбаҳорга бок.

Ватан эрур бир сиким тупроқ,  
Кўзларида чакнайди чакмоқ,  
Дарс олади ҳар битта япроқ,  
Сўйлаётган Гулбаҳорга бок.

Шивирлайди изидан майса,  
Қуёш оғиб кишлокқа қайтса,  
Пахтазорлар завқини айтса,  
Куйлаётган Гулбаҳорга бок.

Уни баҳор севгани учун,  
Қўйни гулга тўлгани учун,  
Мохир фермер бўлгани учун,  
Тўйлаётган Гулбаҳорга бок.

## **БАҲОР КЕЛДИ СЕН КЕЛМАСАНГ ҲАМ**

Соғинч дилни китиклайди жим,  
Англамайди завқимни ҳеч ким,  
Чечакзорга айланди қалбим,  
Баҳор келди, сен келмасанг ҳам.

Гулдирайди кўпчиган хаво,  
Юрагимни тўлдирар наво,  
Окқушларга килдим илтижо,  
Баҳор келди, сен келмасанг ҳам.

Лолаларнинг ловулар юзи,  
Кўзларимда холларинг изи,  
Имлаяпти тақдир юлдузи,  
Баҳор келди, сен келмасанг ҳам.

Хуморимни келтирди ялпиз,  
Сой бўйида шивирлаб унсиз,  
Оҳуларга оҳ ичирган қиз,  
Баҳор келди, сен келмасанг ҳам.

## УКАМ ИЛҲОМГА

Дунё асли кўхна ўйинчи,  
Одамзодни минг куйга солар.  
Ука, баъзан чумолилар ҳам,  
Бир хас учун талашиб колар.

Сен тоғларда ўсиб улғайдинг,  
Дараларни олдинг тафтини.  
Тавоф қилдинг қирларга чиқиб,  
Юлдузларнинг қайноқ кафтини.

Тонгда тоғдек дуоғўй отам,  
Дардимизни унсиз ютарди.  
Туни билан ухламай онам,  
Бахтимизни интиқ кутарди.

Ловуллаган лолалар янглиғ,  
Қирда қолди ҳаёт дафтари.  
Ўдимиздан чиқиб кетдими,  
Отамизнинг сўнгги гаплари?!

Кечагидек ҳаёлда бари,  
Сен чорвадор, биз «олим» бўлдик.  
Сен тоғларда юксалган сари,  
Ўзимизни пастроқда кўрдик.

Ҳаёт чексиз кураш майдони,  
Бардам бўлгин, Худо сенга ёр.  
Оёғингни ерга маҳкам қўй,  
Чил солсалар йиқилма зинҳор!



## У КУНЛАРНИ ЭСЛАГИМ КЕЛМАС

*Зулҳаёт опама*

Болалик далалар бағрида қолди,  
Пахта терар эдик хатто қорларда.  
Опа, Бахши камнир қайга йўқолди,  
Ёки пул тегдими пахтакорларга?!

Хушмўйлов йигитнинг даласи қайда?  
Қамчилаб юрибди кўкка отини.  
Чиқиб уч юз кило пахта терганмиш,  
Шўрлик Жангибойнинг дардман хотини.

Уйим куйди дея титрар Шариф чол,  
Қулоққа кўндаланг босиб ўзини.  
У шундай қилмаса эди, эхтимол,  
Сел олиб кетарди ризку рўзини.

Дала дарсхонадек бўлмаган бежиз,  
Бош эгиб юардик ниҳолларга қул.  
Тузнинг ози ҳам туз, кўни ҳам бу – туз,  
Махзун сўз бошларди усто Жумақул.

Хирмонлар осмонга бўйлашиб борар,  
Унда тошдан эди, балки жонимиз.  
Хар кун бармоқларни тешиб қон олар,  
Сўнгги чанокларда қолган нонимиз...

Опа, у кунларни эслагим келмас,  
Пинхона кўз ёшим оқаверади.  
Юракка заррача халоват бермас,  
Хижронлар дилимни ёқаверади.



Яна бир кунимни ўғирлайди тун,  
Кўзимни узмайман қора чодирдан.  
Нормамни бажармай қочганим учун,  
Уялиб юрибман Бозор Қодирдан...

## ГУЛБАҲОРНИНГ ГУЛСИЗ БАҲОРИ

Дарддан тўла кўнгил диёри,  
Излаганда топилмас дори.  
Бугдойзордан ёниб чиқади,  
Гулбаҳорнинг гулсиз баҳори.

Кипригида осилар осмон,  
Изларида қуёш бўлар қон.  
Йиғлаб чиқар тунлари пинҳон,  
Гулбаҳорнинг гулсиз баҳори.

Ҳаёт учқур адо бўлмас йўл,  
Изғиб юрар қанча гумроҳ гўл.  
Эгатларда титраётган қўл –  
Гулбаҳорнинг гулсиз баҳори.

Гулбаҳордан гул бўлмас жудо,  
Уни гулга ўхшатган Худо.  
Ҳосил учун килар илтижо,  
Гулбаҳорнинг гулсиз баҳори.

## РАЪНО

Олисларда қолиб кетдингму?!  
Ё дилимни олиб кетдингму?!  
Жисмимга ўт солиб кетдингму?!  
Қушдай бўлиб учдингму, Раъно?!



Чўғдек ёниб йикилгай қуёш,  
Тоғ ортида сиқилгай қуёш.  
Деразангдан тикилгай қуёш,  
Нурга тўлиб кетдингму, Раъно?!

Титраяпти оқбадан терак,  
Унда ҳам бир дард бўлса керак.  
От чоптирса кўксингда юрак,  
Унсиз фарёд чекдингму, Раъно?!

Ёнаяпман нолишларингга,  
Фамгин қараб қолишларингга.  
Дўмбоқкина болишларингга,  
Кўз ёшларинг эқдингму, Раъно?!

Дардим тўкиб ўтирсам у кун  
Кўкни босди қоп-қора тутун.  
Дилим дардга тўлдирмоқ учун,  
Дардларингни тўқдингму, Раъно?!

## ҲАМДАРДЛИК

Қуёш ботди, Луқмон Бўрихон!  
Чиқишини кутиб яшаймиз.  
Бошимизни қоп-қора осмон,  
Ханжарига тутиб яшаймиз.

Кўнглимизни ололмас ҳеч ким,  
Кафтимизда қотган лойимиз.  
Юлдузларга бўлдиқ мунажжим.  
Сойга оқиб кетди Ойимиз!

Ёмғир ёғди, Луқмон Бўрихон!  
Булут қоплаб кўзларимизни.  
Биз қидириб яшаймиз ҳамон,  
Айтолмаган сўзларимизни.





Майсаларга ўраб қўйибди,  
Она замин бешикларини.  
Хижрон тонгда синдириб кетди,  
Қалбимизнинг эшикларини...

\* \* \*

... га

Хатолардан безиб яшайди,  
Юрагини эзиб яшайди.  
Хонасига бир куни қуёш,  
Киришини сезиб яшайди.

Кўзларида жой олибди тун,  
Менинг куйган юрагим учун.  
Сезмай қолган соқчи киприклар,  
Фарёд солиб юрибди бу кун.

Шундай гўзал кора уммонга,  
Фарқ бўлишга ошқисам дойим.  
Сочларига жонимни боғлаб,  
Кипригига осгин, Худойим!...

## ЮРАГИМГА ГУЛ ЭККАН ДИЁР

Ой қиличдай бошимда эгик,  
Бу дарахтлар ўрнатилган дор.  
Адашганман қаёққа борай,  
Йўлларимни кўрсатиб юбор!

Чумолининг қисмати аён,  
Балки унга бир хас кифоя.  
Шу бир хасни судрайди қаён,  
Қаршисида митти тош – қоя.



Биз-чи, бизлар не учун келдик?  
Бу сўроғнинг жавоби оғир.  
Оптимиздан эргашиб юрар,  
Мижжа қокмай чиққан хавотир.

Ойни юлиб осмон тоқидан,  
Беланчакка солгандек фалак.  
Қуёш чиқар Боботоғидан,  
У дунёни қуйдирган малак.

Мени эса қийнайди армон,  
Дунё асли даллолсиз бозор.  
Боряпман, билмайман қаён,  
Йўлларимга нур сочиб юбор!

Ой қиличдай бошимда эгик,  
Бу дарахтлар ўрнатилган дор.  
Қучоғингга сингиб кетгайман,  
Юрагимга гул эккан диёр!

\* \* \*

Юракларни зиё айлаб омон бўлсин Омондавлат,  
Қуёшни дилга жо айлаб омон бўлсин Омондавлат.

Қадрдон кўкси тоғ одам, эрур қайнар булоғ одам,  
Яшайдан кўнгли чоғ одам, омон бўлсин Омондавлат.

Эрур Алпларни дилдоши, сулув бир ёрни йўлдоши,  
Туганмас сабру бардоши, омон бўлсин Омондавлат.

Керак Сурхонга борганда, хаётдан ортда қолганда,  
Савоб ишларни олганда, омон бўлсин Омондавлат.

Ёзар йўқлов хайитларда, Сирожиддин Саййидларга,  
Жаранглаб кетди байтларда, омон бўлсин Омондавлат.



Умр битмас туганмас кон, Яратган берса гар имкон,  
Яшашни англаган инсон, омон бўлсин Омондавлат,

Ватан кўнгилга ёр бўлгай, у ҳам дарвозадор бўлгай.  
Кулиб келса, баҳор бўлгай, омон бўлсин Омондавлат.

Тутиб Ахтамқулига соз, ғазаллар айлагай парвоз,  
Жаранглаб кетди бир овоз, омон бўлсин омон Давлат.



## КҰНГИЛГА САЙР

ШЕЪР ЁЗИШНИ ҰЙИН ДЕБ БИЛДИМ,  
МИСРАЛАРДА ОҚДИ ҚОНЛАРИМ.  
ЭНДИ ТУНЛАР УХЛАЁЛМАЙМАН,  
ЗИРҚИРАЙДИ УСТИХОНЛАРИМ...



## ПАХТАЗОР ОРАЛАБ КЕЛАЯПТИ КУЗ

Кўзларим тубига қуйилар оқшом,  
Чиркираб қолади қушлар галаси.  
Инсонга берилган тенгсиз эхтиром,  
Дехконнинг дастурхон бўлган даласи.

Очилар осмоннинг нурли эшиги,  
Юлдузлар чорлайди карвонларимни.  
Юрак – дардларимнинг кўхна бешиги,  
Тунлар алалайди хижронларимни.

Қурбакалар қуйлар, раке этар ховуз,  
Ёзни қузатишга ошиқар шамол.  
Пахтазор оралаб келаяпти қуз,  
Сўроққа айланиб қолади хилол.

Эгатлар охири кўринмаган йўл,  
Умрим бахорини ўғирлаб кетган.  
Ғўзалар ҳар йили менга бериб қўл,  
Нихоллар ишқида саргардон этган.

Дилимни китиклайверади калам,  
Қоғозда қолади қалбим излари.  
Дунёни қувганим қилганда алам,  
Қиқирлаб кулади Сурхон қизлари...

## БОЛАЛИКНИНГ БОҒЛАРИ ҚАЙДА?!

Болаликнинг боғлари қайда,  
Устоз, нега ўлтирибсиз жим?!  
Мен ишқ тилаб югурган жойда,  
Нахот бугун кўринмас ҳеч ким?



Болаликнинг боғлари қайда?!  
Изларимдан изғийди шамол.  
Эшагимни қолдириб лойда,  
Қайга кетдинг, эй, соҳибжамол?

Болаликнинг боғлари қайда?!  
Қисирлайди қирда қари тут.  
Бошим узра тентираб борар,  
Юрагимга қулф солган булут.

Болаликнинг боғлари қайда?!  
Мендан меҳр қутган мухаббат.  
Ёзганларим бари бефойда,  
Юрагимни юлиб кетган хат.

Болаликнинг боғлари қайда?!  
Мажнунтолга берай жонимни.  
Хаёлларим чарх урар ойда,  
Нигоҳларинг ичди конимни.

Болаликнинг боғлари қайда?!  
Кўзларингга қўмилиб кетай!  
Сен ишкимни оқизган сойга,  
Умрим бўйи илтижо этай.

Болаликнинг боғлари қайда?!..



## ЮРАГИМ ГУЛЛАГАН ЧОҒИДА

Хали мен чўққига чиқаман,  
Юлдузлар сочилар пойимга.  
Қуёшни кафтимда тутаман,  
Кўнглимни ёзаман Ойимга.

Отамнинг битмаган достонин,  
Хайкириб айтаман дунёга.  
Умримни окизиб қўймайман,  
Жавобсиз югурган дарёга.

Даралар дардимни билади,  
Бошимда чарх урар осмоним.  
Булоқлар қикирлаб кулади,  
Қувончга тўлади айвоним.

Кийиклар тизилиб юради,  
Бобомнинг минг йиллик боғида.  
Дафтарим шеър билан тўлади,  
Юрагим гуллаган чоғида.

Хали мен офтобни етаклаб,  
Чиқаман чўққилар бошига.  
Ишқимни сўровсиз ёзаман,  
Ватаннинг ҳар битта тошига.

## ЙЎРҒАЛАЙДИ КЕЧИККАН ҚУЁШ

Кўзларимда гуллаган замин,  
Чаманзорга айланиб борар.  
Болаликнинг ўтли дамларин,  
Эслаганда дилим ранг олар.

Варақлайди дафтаримни куз,  
Ўйга толар ҳориққан боғлар.



Олислардан тикилар унсиз,  
Боши эрта оқарган тоғлар.

Йўрғалайди кечиккан қуёш,  
Булутларни кўнжига солиб.  
Ой онамдек энтикар ювош,  
Чўққиларнинг ортида қолиб.

Дарё – ҳаёт тебратган бешик,  
Мавж уради тинимсиз қонда.  
Гичирлаган минг йиллик эшик,  
Келишимни қутар Сурхонда!

## ОЗОДЛИГИНГ КЎРГАН КУНИМ

Бу дунёга фарёд солиб келган куним,  
Волидамнинг қучоғида тўлган куним.  
Кафтга олиб югурганман тупроғингни,  
Она замин, сенга ошиқ бўлган куним.

Шодлигимдан сизмай кетдим бу оламга,  
Юртим, сенинг озодлигинг кўрган куним!  
Боларилар дарс беришди огоҳликдан  
Гулзорларда гул оралаб юрган куним.

Бу тупроқни билдим қанча азизлигин,  
Қалдирғочлар ошёнини кўрган куним.  
Гулларингни қучоғимга босиб ўпдим,  
Дилда ишқнинг қўрғонини қурган куним.

Қоғоз, сенинг тинчлигингни буздим, узр,  
Сархуш эдим шеър завқида тўлган куним.  
Тоғу тошлар кўзларимга сингиб кетди,  
Ватан, сендан жудо бўлсам – ўлган куним!



## ЯНГИ КУН

Бир янги кун келди, қутлуғ янги кун,  
Майсалар югуриб кирларга борди.  
Шодлигин яшира олмасдан бутун,  
Дарахтлар бир кунда гуллаб юборди.

Ям-яшил оламдан завқланган қуёш,  
Нур сочди, уйғонди қотган оғочлар.  
Қайтди айвонимга кўзда севинч ёш,  
Бизни ташлаб кетган у қалдирғочлар.

Шошқалоқ майсалар билан қўшилиб,  
Анхорлар бўйида унди ялпизлар.  
Эски кетмонларин елкага олиб,  
Тизилиб кетишди далага қизлар.

Отам гуллаганин тушида кўрди,  
Жуда олисларда қолган боғини.  
Энди умр бўйи соғиниб яшар,  
Йиллар олиб кетган ёшлик чоғини.

Бир янги кун келди, тополмадим сўз,  
Қалбим дафтарини минг бор изладим.  
Юрган йўлларимга гул сочди Наврўз,  
Шодликдан гулларни қучиб йиғладим.

Сўнг кетдим бобомдан қолган далага,  
Отамни қаритган боғларга бордим.  
Бир сиким тупроқни олиб кафтимга,  
Она ер ишқидан маст бўлиб қолдим.

Бир янги кун келди, рассом – табиат,  
Жон ато қилибдур еру осмонга.  
Булбуллар, қуйлашга келинлар фақат,  
Гулларнинг Ватани – Ўзбекистонга.



## ВАТАН ДАРСИ

Калдирғочлар менга Ватан дарсин берди,  
Мен тингладим улар берган сабоғини.  
Айвонимга кўзтумордек осиб қўйди,  
Бир кафтгина она юртнинг тупроғини.

Бу холатдан жуда қаттиқ ўйга толдим,  
Тунлар ётсам, кўз олдимда турар Ватан,  
Эй митти қуш, санъатингга қойил қолдим,  
Дўстлашайлик, кел, бир умр сенинг билан.

Эшикларим сизлар учун очик эрур,  
Қанот қокиб кулбам аро келавергин.  
Сен берган дарс менга Ватан дарси бўлсин,  
Қанча дарсинг бўлса яна беравергин!

## ҚОМУСИМИЗ

Хаёл мени чексизликка тортиб борар,  
Қалбим аро юртнинг меҳри ортиб борар.  
Сиз билмайсиз тупроғимнинг гардларини,  
Киприкларим кўзларимга суртиб борар.

Хаёт тошқин, эзгуликни ҳуш кўради,  
Замин бизни кўтаради бошларига.  
Осмонлардан ёғилади қолдузларим,  
Жон киради юртнинг тоғу тошларига.

Тонгда дилим Ватан бўлиб кўкаради,  
Кишанларга бўй бермайди номусимиз.  
Адолатнинг байроғини баланд тутиб,  
Хак йўлига чорлайверар Қомусимиз!



## ЛОЛА ГУЛИМ

Очилдингму лола гулим,  
Бағринг бўлиб тилим-тилим.  
Сенга етиб келмоқ учун,  
Адо бўлди менинг дилим.

Тахтинг бунча баланд экан,  
Меъмори сарбаланд экан.  
Харидоринг мендек ёниб,  
Юрган оёқяланг экан.

Қизғонади тоғлар сени,  
Майсаларга боғлар сени.  
Туш кўради узун тунлар,  
Қанча дили доғлар сени.

Келдим сенинг қасдинг билан,  
Бошинг силай кафтим билан.  
Дардларимни тўкиб-тўкиб,  
Ором олай тафтинг билан.

Очилдингму лола гулим,  
Бағринг бўлиб тилим-тилим.  
Сенга етиб келмоқ учун,  
Адо бўлди менинг дилим.

## СОҒИНЧ

Тоғлар, сизга чиқиб бораман,  
Тушларимда, хаёлларимда.  
Гоҳо жавоб излаб қоламан,  
Мен ўзимнинг саволларимга.



Бу онамнинг ачиқ кўз ёши,  
Дедим Обихаётни кўриб.  
Дарахтларнинг ғамгин нигоҳи,  
Кўринарди отамдай бўлиб.

Қафасдаги куш каби болам,  
Чиркирайди кулоқларимга.  
Такдир боғлаб қўйибди нетай,  
Ерни менинг оёқларимга.

Айланади бошимда осмон,  
Тунлар ёқиб чироқларини.  
Ичиб қўяр чанкок ғўзалар,  
Кўзларимнинг булоқларини.

Йўл чикарди мени йўлимдан,  
Тополмайман излаб ўзимни.  
Куйиб ётган сахро қўйнида,  
Шамол ялаб кетди изимни.

Боряпман, Искандар тоғнинг  
Қучоғида қолган боғларим.  
Йўлларимда тўкилгай қондек,  
Эрта учган қизғалдоқларим.

## МУНИРАГА

Қизим менга хавас қилмагин,  
Экаяпман топган донимни.  
Нима униб чиқар, билмадим,  
Бир дард адо қилди жонимни.

Экканларим беҳато униб,  
Юракларни этармикан шод.  
Хар битта сўз Ҳумо қушидай,  
Учиб юрса оламда озод.



Қўрқаман, вақт тегирмон каби  
Янчиб берса эккан донимни.  
Вўр шеърларим болам сингари,  
Олармикан менинг ёнимни?

## ҚИШ

Дарахтларнинг япроқларини,  
Юлиб кетди совуқ шамоллар.  
Шохларини силкитиб қолди,  
Япроғидан айрилган толлар.

Зир титрайди «окбадан терак»,  
Уялишни у ҳам биларди.  
Қиш бераҳм, қиш совуқ, юрак  
Бу ҳолатдан ҳузур киларди.

Аммо зинҳор битта дарахтнинг  
Қиш ечолмас либосларини –  
Мағрур турар яшил арчалар,  
Қўкдан узмай нигоҳларини!

## САВОЛ

Деразангга қўнди бир қуш,  
У қандай қуш билмайсанми?!  
Сочларингдан тузоқ ясаб,  
Холингни дон қилмайсанми?!

Деразангга қўнди бир қуш,  
Тоғдан оғир гуноҳи бор.  
Қанотлари титрапти,  
Гуноҳларин гувоҳи бор.



Деразангга кўнди бир куш,  
Сен бир караб кўймайсанми?!  
Уйку шунча ширинмикан,  
Ё туш кўриб тўймайсанми?!

Деразангга кўнди бир куш,  
Қучоғида тун музлайди.  
Нигоҳлари ғамгин-ғамгин,  
Тундан ёруғ кун излайди.

Деразангга кўнди бир куш,  
Сен кўргансан қайда уни?!  
Осмонларга учиб кетсин,  
Деразангдан хайда уни!

Деразангга кўнди бир куш...

## БОДОМГИНАМ

Ким сени қолдирди зор, бодомгинам,  
Гулладинг келмай баҳор, бодомгинам.  
Бошларингдан ёғди қор, бодомгинам.  
Сенга дунё бўлди тор, бодомгинам.

Қайсидир бир бағри тош алдатдиму?  
Қиш этиб ҳуснинг талош алдатдиму?  
Ой бўлиб тунлар юзингга махлиё,  
Рашкидан куйган қуёш алдатдиму?

Термулиб ҳуснингга қўплар айтди сўз,  
Нозланиб киз ва жувонлар айтди сўз.  
Бунча эрта гуллади деб барча кўз,  
Сукланиб бокқанди сенга тегди кўз.



Сен учун куйиб-ёнай, бодомгинам,  
Гулларингдан айланай, бодомгинам.  
Кўз тумор оссам, гулинг сўлмасмиди,  
Мен хато қилдим, нетай, бодомгинам?

\* \* \*

Бу киприklar монанди ўқ,  
Тик қарашга бардошим йўқ.

Бу кўзларинг дарё эрур,  
Мен сиғмаган дунё эрур.

Сочларингку юз мингта дор,  
Жон керакму, фармон юбор.

Ёноғларинг мисоли чўғ,  
Бундай олов ҳеч жойда йўқ!

Дилимда доғдир холларинг,  
Сенинг асов хаёлларинг.

Баҳор каби нозларинг бор,  
Қучоғингда ёзларинг бор!

Мен бир олов бўлиб кездим,  
Ўзимга ёв бўлиб кездим.

Кафтингга бос қўлларимни,  
Йўқотганман йўлларимни.

Мен телбани йўлга бошла,  
Сочларингга кўмиб ташла.



## РОЗ

Кетаяпман ҳамон ортингдан,  
Топган йўлим шу бўлди излаб.  
Айтолмаган кўп сўзларим бор,  
Юрагимда ётибди музлаб.

Суратинг бор қарочиғимда,  
Уни жондан ортиқ кўраман.  
Севиб-севиб бир куни сенинг,  
Ҳижронингда Мажнун бўламан.

Мен бир оқар дарёман билсанг,  
Ёниб ёздим тўртликларимни.  
Бу дарёдан ўтмоқчи бўлсанг,  
Кўприк қилай киприкларимни.

Тоғлар билан тутшиб кетган,  
Бу йўл ишқнинг йўлакларидир.  
Тоғ йўлида чиққан лолалар,  
Юрагимнинг бўлакларидир.

Ҳеч ким менга айтмас: Ортга қайт,  
Бу дунёдан қўл силтаб кетдим.  
Йўл топмадим шу йўлдан бўлак,  
Мажнун кезган саҳрога етдим.



## ПОСБОНЛАРГА

Ўтказасиз тунларни бедор,  
Юрак сизни тинч қўймапти.  
Томошабин юлдузлар катор,  
Осмонда ой дор ўйнапти.

Ўтказасиз тунларни бедор,  
Турналар саф тортиб ўтади.  
Бир кечада билдирмай баҳор,  
Қирларга гул экиб кетади.

Ўтказасиз тунларни бедор,  
Огоҳ бўлиб ҳар хору хасдан.  
Ахир қанча кўролмаслар бор,  
Тош кўтариб юрибди қасддан.

Ўтказасиз тунларни бедор,  
Ҳисоб бериб ҳар они учун.  
Қалбингизда чексиз ғурур бор,  
Юртнинг ёруғ осмони учун!

\* \* \*

Бу кўзлар бир умр мени қийнаган,  
Бу лаблар лабимни куйдиrolмади.  
Бу қаро сочларга жоним боғланиб,  
Қанчалар қийнади, ўлдиrolмади.

Ҳажрингда ўртаниб ёнганларим рост,  
Бокира асрадим бир умр сени.  
Такдир ҳукми экан бераҳм йиллар,  
Висолинг мафтуни айлабдир мени.

Тунлари бошимда тошдек болишлар,  
Сени ўйлар эдим, соҳиби чирой.



Зим-зиё хонамга бош уриб тунлар,  
Бу ҳолнинг шоҳиди бўлган ёлғиз ой.

Энди-чи, ҳаммаси бошқа бир дунё,  
Биз ҳам бошқа дунё одамларимиз.  
Кўзлар кўзга тушса у ҳам нораво,  
Нигоҳларни ерга кадаб юрамиз.

Мен битган мактублар ёнди оловда,  
Мен юрган изларни босди тупроқлар.  
Хайхот нечун ўчмас менинг қалбимдан,  
Сенинг муҳаббатинг ёққан чироқлар.

Нозик белларингга чирмашиб кетган,  
У қўллар бегона, меники эмас.  
Такдир, сен ҳукмингни нотўғри битдинг.  
Нега мен севган қиз меники эмас?

## **БАХТИМ БИЛАН ЎЙНАЙДИ ОҚШОМ**

Юлдузларни ўйнатар осмон,  
Оймомонинг кўзи ёриди.  
Югургилаб бордим сен томон,  
Қуёш мени қувлаб хориди.

Шивирлайди ёнимда анҳор,  
Хато излаб юришларимдан.  
Ўсиб кетган соқчи деворинг,  
Безиб қолган келишларимдан.

Ухлаяпсан, оппоқ пардалар,  
Қизғонади ҳуснингни ойдан.  
Сени олиб кетишга келдим,  
Шодлиги йўқ ғамгин саройдан.



Юр, кирларга чикиб борамиз,  
Қувиб қувноқ дамларимизни.  
Харсангларнинг кўксин ёрамиз,  
Бериб дилгир ғамларимизни.

Эртак айтар бизга майсалар,  
Қизғалдоқнинг қизаргай юзи.  
Муҳрланиб қолар даъфатан,  
Кўзларимда оёқлар изи...

Суюнчига чопар бойчечак,  
Бахтим билан ўйнайди оқшом.  
Тонгда турсам кирнинг бағрида,  
Бир жуфт лола уриштирар жом!

## ЮРАГИМГА СИҒМАЙДИ ДУНЁ

Шом...  
Тирналайди юрагимни куз,  
Бўшаб қолган япроқлар тахти.  
Боғ четида титрайди унсиз,  
Қонга ботган ўрик дарахти.

Ой...  
Тўлишган сулув киз мисол,  
Кетиб қолди тоғу тошига.  
Ўроғини қайраган ҳилол,  
Пилдирайди кирлар бошида.

Мен...  
Майдондаги абжир чавандоз,  
Ирғишлайди остимда фирот.  
Янграяпти тинимсиз овоз,  
Ўзиб кетди... У бир ҳосилот...



Ишк...

Мухаббатнинг дунёси куйсин,  
Фол очмагин, ёлғончи лўли.  
Гард юкмаган иймонга бўйсун,  
Баланд келгай адолат қўли.

Кел...

Юрагимга сифмайди дунё,  
Ёлғизликдан хорикдим, бўтам.  
Кафтларига тўлдириб дуо,  
Мени интиқ кутади отам.

Сен...

Изларимдан узилмас соя,  
Кимлигингни билдириб тургин.  
Менга дарднинг ўзи кифоя,  
Остонамда елиб югургин.

Қўй...

Алжирашдан тўхтайди улар,  
Кучугинга бир бурда нон бер!  
Тулкиларга ёндашиб юрмай,  
Арслонларнинг кафтида жон бер...

## ГУЛЛАЯПТИ КИМСАСИЗ БОҒЛАР

Гуллаяпти кимсасиз боғлар,  
Майсазорда қувнайди шамол.  
Шомда мени сўроқлаб кезар,  
Оташли тиф қўтарган хилол.

Гичирлайди кекса дарахтлар,  
Бошларини қиблага буриб.  
Нураб кетди онам тандири,  
Бир кечада оқармай туриб.



Хайрондара хайратдан ёнар,  
Юлдузларни чорлайди осмон.  
Юрагимда соғинч уйғонар,  
Йўл оламан қишлоғим томон.

Ловуллаган лолазорларим,  
Чўккиларнинг кўксини ёқар.  
Мени ташлаб кетган йилларим,  
Ирмоқларга қўшилиб оқар.

Саждагоҳда мункайган отам,  
Адо этмас кўнгил розини.  
Тополмайман қанча изласам,  
Яхшиликнинг имтиёзини.

Туннинг эски дарвозасидан  
Билдирмайин юзимни бурдим.  
Байтларимнинг овозасидан  
Қоникмасдан дилхун югурдим.

## КАФТИМГА ҚЎЙ КАФТИНГНИ ПАХТА

Кафтимга қўй кафтингни пахта,  
«Номсиз»<sup>1</sup> чақиб олди қўлимни.  
Қирк йил бўлди эгатлар ичра,  
Излаяпман сархуш йўлимни.

Юрагимни чақди номсизлар,  
Фафлат аро қолдим билмайин.  
Дард дилимни тилкалаб борар,  
Зўрлигимни писанд қилмайин.

---

<sup>1</sup> «Номсиз» – корақурт, халқ тилида «оти йўқ» деб ҳам юритилади.



Эл бўлмагай бу хумкаллалар,  
Бир-бирига етказиб зиён.  
Кўзларимнинг ёғини ялар,  
Оёғимга чирмашган илон.

Одамзоднинг қилмиши, ахир,  
Хайратингга хайрат солади.  
Машрабни дор остидан чақир,  
Йўкса дунё куйиб қолади.

Улуғбекнинг олтин бошига,  
«Номсиз»ларнинг тиғи битилган.  
Фарзандининг қўллари билан,  
Хуросонда катл этилган.

Тупроғини тарк этди Бобур,  
Ихтиёри кетгач қўлидан.  
Соғинчлари мисли жавоҳир,  
Бўлиб ёғди унинг изидан.

Хамроҳимиз қувғинди шайтон,  
Йиртилмаган кўхна ниқоби.  
Меҳробдаги меҳрсиз «чаён» –  
Қодирийнинг дард – изтироби.

Бухорийни излар Бухоро,  
Астрободда бенаво Ҳазрат.  
Мендан кўнгил тиласанг, дунё,  
Бардошимни тоғ қилиб ярат!



## КЎККА ОТДИМ КУЙЧИ ДИЛИМНИ

Толганимни билдирди йиллар,  
Қояларга қокилиб кетдим.  
Мени эски кетмоним билар,  
Уни қанча саргардон этдим.

Парвозимга қўшилди парвоз,  
Кўкка отдим куйчи дилимни.  
Соғинаман гоҳида бир оз.  
Олисларда қолган гулимни.

Чўккиларга интилган чоғим,  
Шамол нуқул йўлимни тўсди.  
Дарё эди менинг устозим,  
Болалигим тоғларда ўсди.

Фигонимдан адо бўлди тун,  
Хилол тортди ғамгин камонни.  
Осмон йиғлаб имтиҳон қилгай,  
Кўзларимда қотган жаҳонни.

## МЕН ЎЗИМНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим,  
Қоғозларни куйдирар сўзим.  
Олов ичра излаб юрибман,  
Узун тунлар ўзимни ўзим.

Кўзларимда сарғайган дунё,  
Бошимда куз хазонлар сочгай.  
Киприклари осмонни гўё  
Қўтарган киз қалбимни очгай.



Завқим қувиб етолмаган ғам,  
Сочларига боғланиб қолди.  
Туни билан милтираган шам,  
Қисматимдан имтиҳон олди.

Гул баргидек тўкилар дилим,  
Бармоқларин кафтимга боссам,  
Кўзларимга сиғмаган гулим,  
Кучоғида ўзимни оссам.

Сархуш бўлиб чопсам боғида,  
Гуноҳларим домига олсин.  
Ой шивирлаб чиққан чоғида,  
У бешикка суяниб колсин.

\* \* \*

Чайқалади самода куюн,  
Дилгир елиб келар қошимга.  
Кунларимни ўғирлайди тун,  
Шивирлайман юракдошимга.

Сиғмаяпман, ҳаво бунча дим,  
Дунё куюк қалбимга сиғди.  
Юлдузларга махлиё эдим,  
Шамол келиб ўрнимни йиғди.

Ўнг кўксимда гурзи урар дил,  
Майдалайди топганларимни.  
Мен ўйлайман тунлари нуқул,  
Тиконзорда чопганларимни.

Кўк токидан узилади ой,  
Мотам тутар бошимда осмон.  
Юлдузларни кўкдан ҳойнахой,  
Отиб чиқар янграган азон.



Тоғ салобат тўкиб ўлтирар,  
Сезганмикан кўзда ёшимни.  
Осмон кўнгли бузилиб кетар,  
Тонгга уриб олсам бошимни.

## СЕЗМАЯПСИЗМИ?

Сизмаяпти дунёга дилим,  
Дафтаримни қаро қилди ким?  
Жароҳатли бургутдайин жим,  
Турганимни сезмаяпсизми?

Тоғлар мендан йироқда қолди,  
Чумолилар теграмни олди.  
Сизга бўлган меҳрим йўқолди,  
Атрофимда кезмаяпсизми?

Мен бу «менман» – ўзим билмаган,  
Қабохатни писанд қилмаган.  
Ёвузликни кўзга илмаган,  
Юрагимни эзмаяпсизми?

Бошимда чарх урганда ҳилол,  
Кўзларимдан қуйилса савол.  
Йиқилмасдан майдонда ҳалол,  
Осмонларга хезлаяпсизми?

Қаранг, келди қирларга баҳор,  
Чўқкиларга чиқиб кетди қор.  
Сиздан кўра итим вафодор,  
Ойболтамни тезлаяпсизми?



## ОДАМЗОД ТАҚДИРИ

Туннинг қора тўни азалдан ўша,  
Қарға куйлаяпти минг йиллик куйин.  
Дунё эски бозор, текин томоша,  
Қанча масхарабоз кўрсатар ўйин.

Сурхонда қирларнинг бағрини ўйиб,  
Лалми боғ яратди бир кекса боғбон.  
Қуёшнинг тафтидан елкаси куйиб,  
Инсонни бошлади эзгулик томон.

Кимдир дарёларни жиловлаб чиқар,  
Хавони қўриқлаб, сувни қўймайди.  
Очкўзнинг очикқан нафсидан хазар,  
Борлиқни ютса ҳам кўнгли тўлмайди.

Одамзод тақдири бунчалар тахир,  
Шайтоннинг ҳукмидан бўлолмас холи.  
Миллионга бўлса ҳам бир инда ахир,  
Яшаб юрибди-ку мағрур чумоли.

Улар сипо эмас балки кутурган...  
Дунё ёқасини ушлагим келар.  
Хаммани бир хилда кўтариб турган,  
Ернинг калласига муштлагим келар.



## ЕР КЎРМАГАН КУРАГИМ ҚОЛСИН

Юлиб ташланг, майли додимни,  
Пайхон айланг бор ижодимни.  
Давраларда этманг ёдимни,  
Армон тўла юрагим қолсин.

Дарё бўлдим, тўғон куринглар,  
Қувончимни қувлаб юринглар.  
Гар йиқилсам, шодон кулинглар,  
Айтолмаган тилагим қолсин.

Тоғдан тушган қайсар боламан,  
Бош эголмай тоғдек қоламан.  
Дардингизга кулоқ соламан,  
Тошни қучган билагим қолсин.

Ғамни еди ғамхўр қувончим,  
Изимда бор юз минг гумончим.  
Кетиб бўлган мендан ишончим.  
Ер кўрмаган курагим қолсин.

## БАҲОР МЕНИ ҚУТЛАШГА КЕЛДИ

Қуёш, қайноқ меҳрингни туйдим,  
Хаёт, сени онамдек суйдим,  
Лолаларнинг тафтидан куйдим,  
Баҳор мени қутлашга келди.

Ялпиз сувга айтди тушини,  
Унга бердим кўнгил қушини,  
Болам, қара тақдир ишини,  
Баҳор мени қутлашга келди.



Гулни ўпиб, юзин намладим,  
Ёноғидан соғинч жамладим,  
Кўзларимда ғазал дамладим,  
Баҳор мени қутлашга келди.

Унутмайман йигирманчи март,  
Онам учун келтиргандим дард,  
Шу кунни деб қувонмоғим шарт,  
Баҳор мени қутлашга келди.

Йўлларимда гул сочар ўрик,  
Англамайман бу қандай кўрик,  
Боларига бўлибман шерик,  
Баҳор мени қутлашга келди.

Андалиблар тонгда айтди роз,  
Борми бундан ортиқча эъзоз?  
Юрагимни чечакзорга ёз,  
Баҳор мени қутлашга келди...

Туни билан диллашган далам,  
Сен ақлимдан оздирган қалам,  
Кулбангга ўт қўярман алам,  
Баҳор мени қутлашга келди...

## УСТОЗГА

Какликлар қафасда виқирлаб,  
Овчининг домидан айтди роз.  
Сиз уни юракка муҳрлаб,  
Қўясиз билдирмай эътироз.

Тулкилар юрибди. Тулкилар...  
Ишлатиб минг битта пандини.  
Қафасга солинмас лек улар,  
Қандини уришсин, қандини.



Илонлар чиқади вишиллаб,  
Захардан бўғзини тўлдириб.  
Борликка жар солар пишиллаб,  
Юраксиз қуёни ўлдириб...

Яшашнинг сирини билгандек,  
Семириб кетибди, ўғри ғоз...  
Умримни имтиҳон қилгандек,  
Изимдан от солар инқироз.

Дод солиб оқади дарёлар,  
Даралар кимсасиз увлайди,  
Тоғларнинг бағрида қийқириб,  
Бўрилар ўлжасин қувлайди...

Ақлимни оқизиб кетаман,  
Олисан янграгай бир овоз.  
Қаламни қоғозга тутаман,  
Тўғри ёз...Тўғри ёз...Тўғри ёз...

## **РАНГ СОЧАДИ СЕҲРАР ДУНЁ**

Ўроқчи ой ўрар умримни,  
Хирмонига янчиб чиқар тун.  
Совуради шамош жисмимни,  
Айтинг, нима қолди мен учун?

Дарвозабон дарвоза ожиз,  
Анграяди дилгир фалакка.  
Остонада чинор тинимсиз,  
Йиллар билан қурашар якка.

Бўғзин йиртиб югурар дарё,  
Харсангларни бошига мушглаб.



Борлиқ кўчиб кетгандек гўё,  
Лол коламан ёқамни ушлаб.

Кўчишга шай омонат девор,  
Кўрсатмайди кўшни кизини.  
Пештоқида эски кўз тумор,  
Кўр қилибди дунё кўзини.

Манглайимда синиқ чизиклар,  
Қора мушук йўлимни тўсган.  
Қисматимга боғлиқ тўсиқлар,  
Кўзларимнинг тубига кўчган.

Қийшаяди қартайган толлар,  
Анҳорларга айтиб розини.  
Оймомога мўлтираб чоллар,  
Соғинади ўтган ёзини.

Ранг сочади сеҳргар дунё,  
Қиёсини излаб толаман.  
Чўққиларга бўлиб маҳлиё  
Янги кундан дуо оламан.

## ҚАДР ТОПГАН ҚАДРДОНЛАРИМ

Номозшомда санғиб юрар куз,  
Сарғайибди кўнглимиз боғи.  
Талпинаман юксакка ҳануз,  
Кўринмайди йўлнинг адоғи.

Обиҳаёт оқаётган вақт,  
Харсангларга урар ўзини.  
Чўққиларнинг пойида қарахт,  
Излаяпман ойнинг изини.



Қайга кетди Майсара момо?!  
Итларининг овози ўчган.  
Дараларни титратган наво,  
Дарёларнинг мавжига кўчган.

Тошсупада уйилган хазон,  
Ўтганларни солар ёдимга.  
Бир лаҳзада замину замон,  
Тўлиб кетар арзу додимга...

Атрофимда увлайди шамол,  
Дуч келаман чексиз хатарга.  
Ўроғини қайраган хилол,  
Кетиб қолди менсиз шаҳарга...

Қучоғимни тўлдирар қишлоқ,  
Ёниб келар Бегимқул тоғам.  
Йўлларимга югурмас муштоқ,  
Мени ойлаб кўрмаган оғам.

Наҳот, қисқа шунчалик умр,  
Кўзларимдан ёғар саволлар.  
Болам вақтни ушлашга югур,  
Фаниматдур бу оқсоқоллар.

Қосим мерган азонда туриб,  
Яратганга айтди розини.  
Кўрмаганди шунча йил юриб,  
Овчиликнинг инқирозини.

Кўринмайди яна бир одам,  
Ўрни менга роса билинди.  
Ёруғликка интилган онам,  
Майсазорга дафн килинди.



Сўзни нондек кадрлар мудом,  
Қадр топган кадрдонларим.  
Хар кадамда топдим эхтиром,  
Ёнингизда юрган онларим.

Ў, бу тоғлар отамдек улуғ,  
Чорлайверар баланд бўлишга.  
Мен уларни кўкка кўтардим,  
Дунё аҳли келсин кўришга!

\* \* \*

Баланд эдик тоғда юрганда,  
Қўлларимиз кўкка етарди.  
Хаёлимиз ойни ухлатиб,  
Юлдузларни қувлаб кетарди.

Осмон ёзиб қўйган рўмолин,  
Гоҳо тунга айларди тортиқ.  
Дарёларнинг сирли саволин,  
Севар эдик юракдан ортиқ.

Андалиблар куйлаётган роз,  
Боғлар эди дилни гулзорга.  
Биз топганмиз қанчалар эъзоз,  
Завқимизни сочиб баҳорга.

Меҳримизни соғинган боғлар,  
Қўлимизга гуллар тутарди.  
Бошимизда соябон тоғлар,  
Бизни интиқ бўлиб кутарди.



Бу кўксимга сифмас дилимни,  
Товларимга кузатгим келди.  
Дарё бузиб кетган йўлимни,  
Соғинчзорга узатгим келди.

Йўл бермагай кўнглимга йўллар,  
Парвозимни хушламас шамол.  
Шамширини силкитган бўлар,  
Боботоғни тарк этган ҳилол.

Саф тортишиб қора қуюнлар,  
Кўзларини боғлар қуёшни.  
Адо қилгай «сирли» ўйинлар,  
Маломатдан чиқмаган бошни.

Қора мушук жони тош экан,  
Кесаверди тинмай йўлимни.  
Мен ўзимдан ғурурланардим,  
Оймомога чўзиб қўлимни.

Ота, «Баён»отингиз қайда?!  
Атрофимда жинлар қуйингай.  
Миниб кетсам, қилмиши майда,  
«Одамча»лар мендан суюнгай.

Байтларимга олов қўшгандек,  
Ғазалларим қолар дунёда.  
Қувончимга қўйган маҳал чек,  
Қуйлайдилар мендан зиёда.



## ТЕРМИЗИЙЛАР ДИЁРИГА

Бахтни қучиб байроғини илди ойга,  
Юракларга ҳурлик берди давру замон.  
Йўлинг тушса Денов деган азиз жойга,  
Алпомишлар пешвоз чиқар сенга ҳамон.

Кўнгил шамин туни билан милтиратиб,  
Муҳр боссанг муҳаббатнинг қарорига.  
Ич-ичингдан соғинчларинг куртак отиб,  
Шайланасан Термизийлар диёрига.

Оллоёрлар кўним топган сирли гўша,  
Қўрғонлари мағрур турар тўкиб савлат.  
Асл алпнинг набираси бўлган ўша,  
Улуғларни эъзозлаган Омондавлат.

У тупроқнинг қиёсига қиёс излаб,  
Хаёлларинг кезиб юрса ер юзини.  
Боботоғнинг чўққисини мағрур кўзлаб,  
Топажаксан одамзоднинг илдизини.

## СОҒИНЧДАН ТЎКИЛДИ ЮРАГИМ ЁҒИ

Сўзсиз симирганим бир коса азоб,  
Туннинг ботқоғига ботиб колганман.  
Ҳеч ким саволимга беролмас жавоб,  
Отимни изи йўқ йўлга солганман!

Қоялар қовоғин осиб қораяр,  
Умримни эговлаб ўтаяпти вақт,  
Қуёшни сарҳисоб қилган соялар,  
Чўққида ёнбошлаб ётибди карахт.



Девона бобонинг девлари билан,  
Тунайди қирларда қолган улоқлар,  
Юракни совитиб кетар дафъатан,  
Онам кўз ёшини ювган булоқлар...

Сарғайган боғларим кўздан йироқда –  
Искандар тоғида бўзлайди нолон.  
Хазонлар уюлиб ётган қишлоқда,  
Нечун кўринмайди бирор тирик жон?

Умримнинг гуллаган дамлари ўтди,  
Хизрга эргашиб олмадим дуо.  
Бошимдан қорайган булутлар кетди,  
Озодман, Озодсан, бетакрор дунё...

Бориб эшагимни олиб кел, болам,  
Соғинчдан тўкилди юрагим ёғи.  
Мен билан дардлашмай қўйди бу олам,  
Нега, ёнмаяпти бобом чироғи?!



## **ТЎРТЛИКЛАР**

МЕН БИР ОҚАР ДАРЁМАН БИЛСАНГ,  
ЁНИБ ЁЗДИМ ТЎРТЛИКЛАРИМНИ.  
БУ ДАРЁДАН ЎТМОҚЧИ БЎЛСАНГ,  
КЎПРИК ҚИЛАЙ КИПРИКЛАРИМНИ...



\* \* \*

Ой эшитиб ҳайрон қолди овозангни,  
Шамол бориб очолмади дарвозангни.  
Қоним билан қанча ювсам кетмаяпти,  
Кўзларингдан юрагимга юққан зангни.

\* \* \*

Шеър қалбимда кўкарган майса,  
Қоним билан уни суғордим.  
Юрагимни безовта қилса,  
Қоғозларга сочиб юбордим.

\* \* \*

Шивирлайди пойимда майса  
Деди: – Нодон бунча эзмасанг,  
Ер кафтида бизни кўтаргай,  
Наҳотки сен, шуни сезмасанг?!

\* \* \*

Чумолига ҳавас қиламан,  
Қанча бўлса сиғар бир инга.  
Аммо одам боласи нечун,  
Сиғмаяпти рўйи заминга?!



\* \* \*

Далалардан отилиб чиқдим,  
Кафтин очиб қолди гўзалар.  
Шамолларнинг этагин тутдим,  
Хайр энди, Алдаркўсалар.

\* \* \*

Мен ойни биламан ой ҳам илгари,  
Ҳадсиз гўзал эди мен учун сендай.  
Тунлари отлансам агар сен сари,  
У ҳам отланарди қайгадир мендай.

\* \* \*

Сотқин экан у мени сотди,  
Майли, бахту иқболи чоқсин.  
Билиб туриб гуноҳга ботди;  
Мендан эмас, Худодан топсин!

\* \* \*

Сени юз қўшчига бош этишдилар,  
Еганинг қуйруғу ош этишдилар.  
Семирдинг, кўзларинг кичрайиб қолди,  
Сўнгра бор сирингни фош этишдилар.



\* \* \*

Мансаб, сув устида қалкиган кема,  
Ҳеч қачон сен уни абадий дема.  
У кема бир куни сувга ғарқ бўлса,  
Уни тўғри тушун, ғамини ема.

\* \* \*

Ҳар қандай бош, бош бўлолмагай,  
Кесак қотган билан тош бўлолмагай.  
Белни юз жойидан боғлаган билан,  
Ёши ўтган киши, ёш бўлолмагай.

\* \* \*

Кўкси пора-пора бўлган она ер,  
Ям-яшил, гоҳ кора бўлган она ер.  
Бағрида юз минг гиёҳни яшнатиб,  
Биз учун овора бўлган она ер.

\* \* \*

Шеър ёзишни ўйин деб билдим,  
Мисраларда оқди қонларим.  
Энди тунлар ухлаёлмайман,  
Зиркирайди устихонларим.



## ИШҚИМ КИТОБИ

Ҳаёт менга дил берган малак,  
Синчилайди босган изимни.  
Қоғозларда гуллаган юрак,  
Ёруғ қилгай бир кун юзимни.

Борлик тўла сирли мавжудот,  
Тополмадим кўнгил ҳисобин.  
Дунё менга қилса илтифот,  
Варақлайман ишқим китобин.

Қуёш тегар ғўр шеърларимга,  
Нигоҳини узмайди осмон.  
Мен офтобнинг расмини чиздим,  
Дарё билан юриб ёнма-ён.

Эй чўққилар, бобом кезган юрт,  
Харсангларнинг кафтини тутдим.  
Оққуш каби ҳар бир байтимни,  
Қўкка парвоз айлашин кутдим!



## МУНДАРИЖА

|                                           |     |
|-------------------------------------------|-----|
| Иштиёқ ёхуд гумбирлаган юрак садоси ..... | 3   |
| Ватан ишқи .....                          | 7   |
| Дилим гуллар аро савдо бўлибдур .....     | 31  |
| Юрагим гуллаган чоғида .....              | 53  |
| Устозларга эҳтиром .....                  | 69  |
| Суянган чинорим... ..                     | 77  |
| Онамни соғиндим .....                     | 93  |
| Соғинчларим чиқаргай қанот .....          | 107 |
| Кўнгилга сайр .....                       | 121 |
| Тўртликлар .....                          | 153 |
| Ишқим китоби .....                        | 157 |



*Адабий бадиий нашр*

АХТАМҚУЛИ

**ҚАРОҒИМДА ГУЛЛАЙДИ ВАТАН**

|                        |                                                      |
|------------------------|------------------------------------------------------|
| Мухаррир               | <i>Баҳром Акбаров</i>                                |
| Рассом-дизайнер        | <i>Беҳзод Зуфаров</i>                                |
| Техник муҳаррир        | <i>Бекзод Каримов</i>                                |
| Мусаххих               | <i>Зухриддин Қудратов</i>                            |
| Кичик муҳаррирлар:     | <i>Дилбар Ҳолматова,</i><br><i>Гулбайра Ёралиева</i> |
| Компьютерда тайёрловчи | <i>Феруза Ботирова</i>                               |



Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.  
Босишга 2016 йил 10 майда рухсат этилди.  
Бичими 60x84<sup>1/16</sup>. Офсет қоғози.  
«Peterburg» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 9,33. Нашр табоғи 6,43  
Адади 3000. Буюртма № 16-322.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)